

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК 9(575.1)

*Қўлёзма*

МАДРАҲИМОВ ЗОҲИД ШАРОФОВИЧ

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2009

90 (052)

M-14

Диссертация Наманган давлат университетининг факультетларaro  
“Ўзбекистон тарихи” кафедрасида бажарилган.

**Илмий раҳбар** тарих фанлари доктори  
**АГЗАМОВА Гулчеҳра Азизовна**

**Расмий оппонентлар:** тарих фанлари доктори  
**МУСАЕВ Нуриддин Умрзоқович**

тарих фанлари номзоди, доцент  
**ИЛҲОМОВ Зиёвиддин Адхамович**


**Етакчи ташкилот** Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ҳимоя 2009 йил сентябр ойининг 18 кuni соат 16<sup>00</sup> да  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги  
07.00.01-“Ўзбекистон тарихи” ихтисослиги бўйича тарих фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун К.067.02.12 рақамли Ихтисослашган кенгаш  
мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси,  
ЎзМУ. e-mail: kengash@nuu.uz.

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети кутубхонасида танишиш мумкин (100174, Тошкент шаҳри,  
Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ).

Автореферат 2009 йил ноябр ойининг 12 кuni тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби



т.ф.и., доц. А.А. ОДИЛОВ

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик туйғайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Айнан ушбу маънавий ва мафқуравий асосни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...тарих миллиятнинг ҳақиқий тарбиячисига айлланиб бормокда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасорати тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда". Президент тарихий хотира тўғрисида фикрини давом эттирар экан, "Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади", – дея ҳақли равишда қайд этган<sup>1</sup>.

Бугунги замон эскича фикрлашга барҳам бериш, тарихий воқеалар ва жараёнларни баҳолашда миллий манфаатлардан келиб чиқиб зарурлигини талаб қилмоқда. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини умумжаҳон тараққиёти нуктаи назаридан, аниқ тарихий фактларга таяниб, ҳолис ва илмий асосда тадқиқ этиб, халққа етказиш зарурияти пайдо бўлди. Президент И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнида бир гуруҳ тарихчилар ва журналистлар билан бўлган учрашувида Республика тарихчилари олдига айнан шундай вазифа қўйилди. Ушбу масала 1998 йил 27 июлида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган. Унда хусусан, ўзбек халқи ва унинг давлатчилигининг ҳаққоний тарихини, шунингдек, "энг қадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида ҳудудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш" лозимлиги қайд этилган<sup>2</sup>.

Маълумки, савдо Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланиб ривожланган ҳамма давлатлар иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутган. Бу жараёнга ижобий таъсир этган омил сифатида Ўрта Осиё ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг ўтганлигини кўрсатиш мумкин. Шарқ ва Ғарбни боғлаган бу йўл фаолияти Ўрта Осиё мамлакатларининг ички ва ташқи савдо алоқалари ривожига ижобий таъсир кўрсатган ҳамда иқтисодий муносабатлар туйғайли турли минтакалар ҳақидаги маълумотларнинг тўлланиши ва алмашинуви рўй берган. Буни Буюк Ипак йўлининг қадим трассаларида жойлашган давлатлардан бири Қўқон хонлиги мисолида яққол кузатиш мумкин.

Қўқон хонлиги (1709–1876) тарихан қисқа вақт оралиғида мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатган давлат сифатида Ўрта Осиё сиёсий воқелигида муҳим ўринга эга бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хонлик тарихининг турли масалалари бўйича амалга оширилган тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатларига, жумладан, унинг Россия билан савдо-сотик алоқаларига тўхталинсада, хонлиқнинг савдо муносабатларининг характерли хусусиятлари, хусусан, унинг қўшни давлатлар, Узоқ Шарқ мамлакатлари билан савдоси тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунингдек, хонлиқда ички ва ташқи савдонинг аҳволи, унинг ўзига хос хусусиятлари, бозорлар, қарвонсаройлар фаолияти, бож ва пул тизими, олди-сотди муносабатлари, унда турли этнослар иштироки масалалари ўзининг тўлиқ аксини топмаган. Шу

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қаролатлари // Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 127.

<sup>2</sup> Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent. Ma'naviyat, 2008. – B. 97.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори // Халқ сўзи. 1998 йил 28 июль.

жихатдан ушбу масалаларни тизимли ўрганиш, масаланинг бугунги кунга дахлдор илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадкикотнинг даврий чегараси.** Тадкикот учун даврий чегара сифатида XVIII аср бошларидан то XIX аср тўртинчи чорагига қадар, яъни, Қўқон хонлиги ташкил топганидан то Россия империяси томонидан босиб олингунгача бўлган давр (1876) олинди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзу тарихшунослигига оид адабиётларни шартли равишда куйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1. Россия империяси ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар. 2. Совет ҳукмронлиги даврида чоп этилган адабиётлар. 3. Мустақиллик даврида нашр этилган адабиётлар, амалга оширилган тадқиқотлар. 4. Қўқон хонлиги тарихининг айрим масалаларини ўзида акс эттирган хорижлик муаллифларнинг асарлари.

**Биринчи гуруҳга** мансуб адабиётларнинг муаллифлари асосан россиялик олимлар, харбийлар, сайёҳ ва элчилар ҳисобланиб, улар XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Қўқон хонлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар<sup>1</sup>. Уларнинг асарларида асосий эътибор Қўқон хонлигининг умумий тавсифига қаратилиб, хонликдаги савдо муносабатларининг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи баъзи маълумотлар қайд қилинган. Жумладан, уларда XIX асрда хонликдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, мамлакатдаги бозор ва қарвонсаройлар фаолияти, олди-сотди жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, бож ва пул тизими, хонлик аҳолиси таркиби, давлатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида турли этносларнинг иштирокига оид айрим қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

Хусусан, XIX аср 50-йилларига оид бўлган П.И.Небольсин асарларида Ўрта Осиё, хусусан, Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо алоқалари, пул

<sup>1</sup> Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией / Зап. РГО. Кн. X. – СПб., 1855 – С. 1–355; Ўша муаллиф Следование караванов из Бухары в Россию и обратно (Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом) – СПб., 1856. – 376 с.; Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции в 1858–1859 годах / Собрание сочинений В 5-томах. – Алма-Ата, Т. III. 1985. – С. 97–222; Ўша муаллиф. Описание нескольких монет улуса чагатай, Хивы и Коканда / Собрание сочинений. В 5-томах – Алма-Ата, Т. V. 1985. – С. 104–113; Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб.: Тип. Майкова, 1867. – 73 с.; Костенко Л. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности // Туркестанский сборник. Том 29. 1870. – С. 1–359; Ўша муаллиф. Туркестанский край. Том I – СПб.: Тип. Траншея, 1880. – 452 с.; Ўша муаллиф. Туркестанский край. Том II. – СПб.: Тип. “Общественная польза”, 1880. – 261 с.; Петровский Н. О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии. – Т.: Тип. Военно-Нар. Уп. 1873. – 120 с.; Терентьев М. А. Россия и Англия в борьбе за рынки – СПб., 1876 // Туркестанский сборник. Том 98. – С. 1–264; Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Туркестанский сборник. Том 117. – С. 417–448; Ўша муаллиф. Очерки Кокандского ханства // Известия РГО, Т. XII – СПб., 1876. – С. 17–119; Хорошхин А. П. Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Т. 116. – СПб., 1876. – С. 170–195; Ўша муаллиф. Сборник касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – 533 с.; Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве / Собрание литературных трудов. Том II. – СПб.: Тип. М. Стасюровича, 1898. – 741 с.; Пантусов Н. Податные сборы в Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №13; Ўша муаллиф. Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве // Туркестанские ведомости. 1876. – №17; Федченко А. Из Кокана. Сведения о путешествии по Коканскому ханству // Известия РГО. Том VIII. 1870. – С. 6–20; Ўша муаллиф. Из Кокана // Ежегодник. Материалы для статистики Туркестанского края. Под ред. Н.А.Маева. – СПб., 1873. – С. 387–404; Ўша муаллиф. В Кокандском ханстве. – СПб., 1875. – 160 с.; Ўша муаллиф. Оби джуазъ – писчебумажная фабрика в Кокане // Туркестанский сборник. Том 57. 1878. – С. 413–418; Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. Перевод с немецкого В.И.Ковалевского. – СПб., 1882. – 604 с.; Наливкин В. П. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. – №49; Ўша муаллиф. Киргизы Наманганского уезда // Туркестанские ведомости. 1881. – №20; Ўша муаллиф. Заметки по вопросу о лесном хозяйстве в Фергане // Туркестанские ведомости. 1883. – №16; Ўша муаллиф. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – 215 с.; Саттархан Абдул-Гафаров Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Туркестанские ведомости. 1892. – №26, 29, 36; Добросмыслов А. И. Города Сыр-дарьинской области. – Т.: Тип. О.А.Порцова, 1912. – 204 с.; Ўша муаллиф. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т.: Тип. О.А.Порцова, 1912. – 522 с.

тизими ҳамда савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган қарвон йўллари ҳақида баъзи маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

XIX асрнинг 50-йилларида Қўқон хонлиги ва у орқали Қашқарда бўлган Ч.Ч.Валиханов асарларида, хонликдаги сиёсий-ижтимоий жараёнларни ёритиш мобайнида йирик шаҳарлар, уларни бир-бири билан боғлаган қарвон йўллари ва аҳолининг этник таркиби, машғулоти, савдо-сотик муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари, бож тизими ҳамда муомалада бўлган пуллар ҳақида баъзи маълумотлар ёзиб қолдирилган<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё хонликларининг XIX асрнинг 70-йилларидаги сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, савдо алоқаларини ўрганган М.А.Терентьев минтақада Англия – Россия рақобати, инглиз ва рус молларининг бу ҳудудларга олиб келиниш йўналишлари, маҳаллий бозорларда юқоридаги давлатлардан келтирилган маҳсулотлар нархлари ҳамда уларга бўлган талабни ўзаро солиштиришлар асосида маълумотлар келтирган<sup>3</sup>.

Қўқон хонлигининг йирик шаҳарлари сирасига кирувчи Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Тошкент ва умуман хонликдаги савдо муносабатлари ҳақида қисман тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилувчи асарлар муаллифлари сирасига А.Н.Тетеревников<sup>4</sup>, А.К.Гейнс<sup>5</sup> ва А.И.Добросмыслов<sup>6</sup>ларни киритиш мумкин.

Қўқон хонлиги тугатилганидан сўнг XIX асрнинг 80-йилларида унинг тарихини муфассал ўрганиб, тарихий асар яратишга муваффақ бўлган рус шарқшуносларидан бири В.П.Наливкиндир<sup>7</sup>. Унинг Қўқон тарихига бағишланган асарида хонлик ташкил топишидан то Россия империяси босиб олгунга қадар бўлган давлатнинг сиёсий тарихи билан бирга диссертация мавзусига оид қисқача маълумотларни ҳам учратиш мумкин.

Биринчи гуруҳни ташкил этувчи Қўқон хонлиги тарихига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда асосан турли ижтимоий гуруҳларга мансуб муаллифлар томонидан кузатилган тарихий воқеълик акс эттирилган бўлиб, бу асарлар тавсифий, информатив характерга эга эканлиги, мамлакатдаги савдо муносабатларини таҳлил этишга бағишланган махсус тадқиқотлар яратилмаганлигини қайд этишга имкон беради.

Қўқон хонлиги тарихига доир **иккинчи гуруҳ** адабиётларини совет даврида яратилган асар ва тадқиқотлар ташкил қилади. XX асрнинг 20–40-йилларида Ўрта Осиё хонликлари тарихига бағишланган оз сонли тадқиқотларда Қўқон хонлигига бағишланган махсус асарлар учрамайди. Хусусан, Ўрта Осиё ҳудудда кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларнинг кўпгина муаммоларига эътибор қаратган В.В.Бартольднинг асарларида Қўқон хонлиги тарихининг айрим муаммоларигина ўз аксини

<sup>1</sup> Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией / Зап. РГО Кн. X – СПб., 1855. – С. 1–355; Ўша муаллиф. Следование караванов из Бухары в Россию и обратно (Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом). – СПб., 1856. – 376 с.

<sup>2</sup> Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции в 1858–1859 годах / Собрание сочинений. В 5-томах. – Алма-Ата, Т. III. 1985. – С. 97–222; Ўша муаллиф. Описание нескольких монет улуса чагатай, Хивы и Коканда / Собрание сочинений. В 5-томах. – Алма-Ата, Т. V. 1985. – С. 104–113.

<sup>3</sup> Терентьев М. А. Россия и Англия в борьбе за рынки. – СПб., 1876 // Туркестанский сборник. Том 98. – С. 1–264.

<sup>4</sup> Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб.: Тип. Майкова, 1867. – 73 с.

<sup>5</sup> Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве / Собрание литературных трудов. Том II. – СПб.: Тип. М. Стасюкевича, 1898. – 741 с.

<sup>6</sup> Добросмыслов А. И. Города Сыр-дарынской области. – Т.: Тип. О.А.Порцова, 1912. – 204 с.; Ўша муаллиф. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т.: Тип. О.А.Порцова, 1912. – 522 с.

<sup>7</sup> Наливкин В. П. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. – №49; Ўша муаллиф. Киргизы Наманганского уезда // Туркестанские ведомости. 1881. – №20; Ўша муаллиф. Заметки по вопросу о лесном хозяйстве в Фергане // Туркестанские ведомости. 1883. – №16; Ўша муаллиф. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – 215 с.

топган<sup>1</sup>. Асосан эътиборини Қўқон тарихининг сиёсий жиҳатларига қаратган олимнинг назаридан савдо муносабатлари масалалари четда қолган.

Бу даврга оид асарлар орасида XX аср 40-йиллари иккинчи ярмида ёзилган А.Г.Адинаровнинг тадқиқоти эътиборга молик бўлиб, унда Қўқон хонлигининг Россия ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги билан олиб борилган савдо алоқалари ўрганилган<sup>2</sup>.

XX асрнинг 60 – 80-йилларида Қўқон хонлиги тарихининг турли масалаларига оид тадқиқотлар олиб борилди. Улар жумласига А.Ҳасанов, А.П.Қаюмов, Э.Ҳожиёв, А.Л.Троицкая, Р.Н.Набиев, Ҳ.З.Зиёев, Ҳ.Н.Бобобеков, Ф.Ғаффоров, В.А.Акрамов, С.Х.Ишанханов, В.М.Плоских, Т.К.Бейсембиев, Э.Хуршут, А.Махкамов, Ш.Ҳ.Воҳидов кабиларнинг асарларини киритиш мумкин<sup>3</sup>.

Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда Р.Н.Набиевнинг хизматлари катта<sup>4</sup>. Унинг “Из истории Кокандского ханства” деб номланган асарида Қўқоннинг сўнгги ҳукмдори Худоёрхонга тегишли мулкнинг характерли хусусиятлари ушбу давр ҳужжатли материаллари ва ёзма манбалар маълумотлари асосида ёритиб берилган.

XX аср 60 – 80-йилларига оид совет даври тарихчилари томонидан Қўқон хонлиги тарихи ҳақида маълумот берувчи маҳаллий муаллифларнинг асарларини ўрганиш ва илмий жамоатчиликка ҳавола қилиш юзасидан айрим ижобий ишлар амалга оширилди. Бу борада Т.К.Бейсембиев ва Ш.Ҳ.Воҳидов тадқиқотлари диққатга сазовор ҳисобланади<sup>5</sup>. Уларда Қўқон хонлигининг савдо муносабатлари хусусида айрим муҳим фикрлар қайд этиб ўтилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, совет даври тарихчилари асосан Қўқон хонлигининг Россия билан сиёсий ва иқтисодий муносабатларига қўп

<sup>1</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана / Соч. Т. II. Ч. 2. – М., 1963. – С. 286–292; Ўша муаллиф. Коканд / Соч. Т. III. – М., 1965. – С. 462–467; Ўша муаллиф. Ташкент / Соч. Т. III – М., 1965. – С. 499–503; Ўша муаллиф. Ферғана / Соч. Т. III. – М., 1965. – С. 527–539. Ўша муаллиф. Извлечение из “Тарих-и Шахрухи” // Соч. Т. III. – М., 1965. – С. 350–358.

<sup>2</sup> Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским генерал-губернаторством и Кокандским ханством: Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1946. – 199 л.

<sup>3</sup> Ҳасанов А. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – М., 1968 – 92 с.; Қаюмов А. П. Қўқон адабий муҳити. – Т., 1961. – 563 б.; Ҳожиёв Э. Ўрта Осиё – Россия иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкентнинг роли (XVIII аср охири – XIX аср бошлари): Тарих фан номз. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1962. – 259 в.; Троицкая А. Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. – 582 с.; Ўша муаллиф. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. – М.: Наука, 1969. – 154 с.; Набиев Р. Н. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. – Т.: Фан, 1966. – 80 с.; Ўша муаллиф. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоёр-хана). – Т.: Фан, 1973. – 476 с.; Зиёев Ҳ. З. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI – XIX асрлар). – Т., 1962. – 88 б.; Ўша муаллиф. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI – XIX асрлар). – Т., 1965. – 237 б.; Ўша муаллиф. Узбеки в Сибири (XVII – XIX вв.) – Т.: Фан, 1968. – 74 с.; Ўша муаллиф. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI – XIX вв. – Т.: Фан, 1983. – 167 с.; Бабабеков Х. Н. Историческая литература о Кокандском ханстве (Русская литература 60–70 годах XIX в.): Автореф... дис. канд. ист. наук. – Т., 1970. – 20 с.; Ўша муаллиф. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII – XIX вв.). – Т.: Фан, 1990. – 118 с.; Ғаффоров Ф. Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар (XIX асрнинг биринчи ярми ва 60–70 йиллар): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1970. – 266 в.; Акрамов В. А. Қўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. Институти, 1973. – 220 в.; Ишанханов С. Х. Каталог монет Коканда XVIII – XIX в.в. – Т., 1976. – 40 с.; Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – 465 с.; Бейсембиев Т. К. “Тарихи Шахрухи” – как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – 198 с.; Хуршут Э. “Мунтахаб ат-таворих” и его списки // Узбекистонда ижтимоий фанлар. – Т., 1986. – №5 – С. 41–45; Ўша муаллиф. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёхатлари. – Т.: Фан, 1987. – 47 б.; Махкамов А. Роль города Коканда в развитии в экономических связи Средней Азии с Россией и сопредельными странами в XIX – начале XX веков: Дис... канд. ист. наук. – Т.: Инс. Истории АН Уз ССР, 1988 – 170 л.; Вахидов Ш. Х. Аваз Мухаммад Аттор Хуканди и его сочинение “Тарихи Джаханнамаи”: Автореф... дис. канд. ист. наук. – Т.: ИВ АН РУз, 1990 – 20 с.

<sup>4</sup> Набиев Р. Н. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. – Т.: Фан, 1966 – 80 с.; Ўша муаллиф. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоёр-хана). – Т.: Фан, 1973. – 476 с.

<sup>5</sup> Бейсембиев Т. К. “Тарихи Шахрухи” – как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – 198 с.; Вахидов Ш. Х. Аваз Мухаммад Аттор Хуканди и его сочинение “Тарихи Джаханнамаи”: Автореф... дис. канд. ист. наук. – Т.: ИВ АН РУз, 1990. – 20 с.

этибор қаратганлар. Хусусан, Э.Ҳожиёв, Ф.Ғаффоров, А.Маҳкамоларнинг тадқиқотларида Кўкон хонлигининг Россия билан амалга оширган савдо алоқаларини ёритишга ҳаракат қилинган<sup>1</sup>.

Кўкон хонлиги тарихига оид совет даври адабиётлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу давлатда кечган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар коммунистик партия мафқурасига бўйсундирилган ҳолда, синфийлик нуктаи назаридан ўрганилган. Савдо муносабатларининг шаҳарлар ва қишлоқлар иқтисодий равангага, давлат ва унга қўшни ҳудудларда кечган этно-демографик ва интеграцион жараёнларга, ишлаб чиқарувчи кучлар ва савдо инфраструктурасига кўрсатган таъсири ҳамда бу борада юз берган ўзгаришлар тарихий ва илмий изчилликда ёритилмаган. Уларнинг аксарият қисми айрим архив маълумотлари статистикасини қайд қилиш билан чегараланиб қолган.

Кўкон хонлиги тарихига доир адабиётларнинг учинчи гуруҳини мустақиллик даврида нашр этилган илмий тадқиқотлар ташкил этади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Ватан тарихининг турли давлари, хусусан, хонлиқлар даври тарихи ҳам янгича қараш ва ёндашувлар асосида ўрганила бошланди. Мустақиллик йилларида Кўкон хонлиги тарихи, унда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларнинг айрим жиҳатларига бағишланган турли асарлар, тадқиқотлар ва мақолалар чоп этилди. Улар жумласига, Ҳ.Н.Бобобеков, Ҳ.З.Зиёев, Ш.Ҳ.Воҳидов, Г.А.Агзамова, Д.Сангилова, В.Ишқувватов, З.А.Илҳомов, Б.Я.Турсунов, Ў.А.Султонов, Ш.Ю.Маҳмудов, Ш.Т.Қўлдошев қабиларнинг асар, диссертация ва мақолаларини киритиш мумкин<sup>2</sup>.

Кўкон хонлиги тарихи бўйича йирик мутахассис Ҳ.Н.Бобобеков томонидан хонлик тарихига оид қўлаб асар ва мақолалар эълон қилинган

<sup>1</sup> Ҳожиёв Э. Ўрта Осиё – Россия иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкентнинг роли (XVIII аср охири – XIX аср бошлари): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1962. – 259 в.; Ғаффоров Ф. Россия билан Кўкон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар (XIX асрнинг биринчи ярми ва 60–70 йиллар): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1970. – 266 в.; Маҳкамолар А. Роль города Коканда в развитии в экономических связей Средней Азии с Россией и сопредельными странами в XIX – начале XX веков: Дис. канд. ист. наук. – Т.: Инс. Истории АН Уз ССР, 1988. – 170 л.

<sup>2</sup> Бобобеков Ҳ. Н. Кўкон тарихи – Т.: Фан, 1996. – 238 б.; Ўша муаллиф. Кўкон хонлиги тарихининг долзарб муаммолари // “Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона водийси”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Фарғона, 2004. – Б. 29–35; Ўша муаллиф. Англо – русское соперничество в Средней Азии XIX века. – Т., 2006. – 51 с.; Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия таъовузи ва ҳумронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – 480 б.; Ўша муаллиф. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 288 б.; Воҳидов Ш. Ҳ. Кўкон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. – Т., 1995. – №3–4. – Б. 214–223; Ўша муаллиф. XIX – XX аср бошларида Кўкон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. докт. дисс. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 1998. – 305 в.; Воҳидов Ш. Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Т., 2006. – №9,10,11 – С. 56–63; Ўша муаллиф. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан. докт. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2000. – 348 в.; Сангилова Д. “Тарихи Азийий” – чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим тарихий манба: Тарих фан. номз. дисс. – Т., 2000. – 153 в.; Ишқувватов В. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Кўкон – Россия дипломатик муносабатлари: Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2003. – 152 в.; Илҳомов З. А. Алиқули Амирлашқар ва унинг Кўкон хонлиги сиёсий тарихида тўтган ўрни: Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2004. – 160 в.; Турсунов Б. Я. Кўкон хонлигида ҳарбий нид ва қўшин: хопати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2006. – 154 в.; Султонов У. А. Муҳаммад Солихқўжанин “Тарихи жадидаи Тошқанд” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 2007. – 173 в.; Маҳмудов Ш. Ю. Кўкон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709–1876 йй.): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2007. – 160 в.; Қўлдошев Ш. Т. Кўкон хонлиги ва Қашқар ўртасидаги савдо алоқалари // “Кўкон асрлар силсиласида” Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Кўкон, 2004. – Б. 301–303; Ўша муаллиф. Кўкон хонлигининг Шарқий Туркистон билан иқтисодий алоқаларида Марғилоннинг тўтган ўрни // “Марғилон асрлар силсиласида” Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Фарғона, 2005. – Б. 77–80.

бўлиб, уларда асосий эътибор хонликдаги сиёсий жараёнларни ёритишга қаратилган ҳолда мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, савдо-сотик жараёни, савдо божлари ва пул тизимига оид айрим маълумотлар ҳам келтирилган<sup>1</sup>.

Ҳ.З.Зиёев асарларида Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Қўқон хонлигининг Россия билан олиб борган сиёсий алоқалари ва Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг истило қилинишини ёритиш билан бир қаторда бу икки ҳудуд ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида муҳим маълумотлар учрайди<sup>2</sup>.

Г.А.Агзамова ўз тадқиқотларида Ўрта Осиё хонликларининг шаҳарлари ҳаёти ва аҳолисининг машғулотлари, ҳунармандчилик ва савдонинг ҳолати, шунингдек, Россия савдо марказлари билан иқтисодий алоқалари, ҳудудларни ўзаро боғловчи йўллар ва уларнинг фаолиятида юз берган ўзгаришларни тарихий таққослаш орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилган<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларида Қўқон тарихнавислик мактаби вакиллари томонидан яратилган хонлик тарихига оид асарлар устида кўплаб манбашунослик тадқиқотлари олиб борилди. Жумладан, Ш.Ҳ.Воҳидов тадқиқотларида Қўқон хонлиги ва унинг миллий давлатчилик ривожидagi ўрни, хонликнинг бошқарув тизими, унвон ва мансабларни ёритиш билан бирга хонликдаги ижтимоий ҳаёт ва савдо муносабатларининг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи баъзи маълумотлар аниқланди<sup>4</sup>. Шунингдек, унинг раҳбарлигида Қўқон тарихнавислик мактаби вакиллари томонидан яратилган хонлик тарихига оид бир нечта асарлар ўзбек тилига таржима қилинди ва чоп этилди<sup>5</sup>.

Бу даврда Қўқон хонлигининг турли масалалари ақс этган диссертациялар ҳимоя қилинди. Уларда хонлик тарихида муҳим ўрин роль ўйнаган Алиқули Амирлашқар, унинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни, хонликдаги ҳарбий иш ва қўшин масалалари, Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизими, унинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқ ва муаммолари таҳлил этилган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Бобобеков Ҳ. Н. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996. – 238 б.; Ўша муаллиф. Қўқон хонлиги тарихининг долзарб муаммолари // “Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона водийси”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Фарғона, 2004. – Б. 29–35; Ўша муаллиф. Англо – русское соперничество в Средней Азии XIX века. – Т., 2006. – 51 с

<sup>2</sup> Зиёев Ҳ. З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – 480 б.; Ўша муаллиф. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 2000. – 288 б.

<sup>3</sup> Агзамова Г. А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их с Россией (вторая половина XVI – первая половина XIX в.) Дисс. канд. ист. наук. – Т.: Инс. Истории АН РУз, 1990. – 195 с.; Ўша муаллиф. О караванных путях из Хивы в Оренбург // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1991. – №12. – С. 43–48; Ўша муаллиф. К истории торговли Бухары XVI – первой половины XIX века // Общественные науки в Узбекистане. – Т., 1991. – №9,10,11. – С. 56–65; Ўша муаллиф. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан докт. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2000. – 348 в.

<sup>4</sup> Воҳидов Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. – Т., 1995. – №3–4. – Б. 214–223; Ўша муаллиф. XIX – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. докт. дисс. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 1998. – 305 в.; Воҳидов Ш., Сангиrow Д, Шох ва шoir Мадалихон // Фан ва турмуш. – Т., 1998. – №5. – Б. 24–25; Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX – XX аср бошлари) – Т., 2006. – 71 б.

<sup>5</sup> Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошқанди. Ансаб ус-салатин ва таварих ал-ҳавакин. Введение Ш.Ваҳидова, перевод текста, примечания, указатели и послесловия С.Юлдашева / История Узбекистана в арабографических источниках. Том I – Т., 2007 – 254 с., Мирзо Олим Маҳдум Хожи Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изохлар Ш.Воҳидовники, араб ёзувидан таъдил Ш.Воҳидов ва Р.Холиқованики, кўрсаткичлар Ш.Воҳидов ва Д.Сангиrowаники. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 242 б.

<sup>6</sup> Илхомов З. А. Алиқули Амирлашқар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни: Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2004. – 160 в.; Турсунов Б. Я. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2006. – 154 в.; Маҳмудов Ш. Ю. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709–1876 йй.): Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2007. – 160 в.



Муस्ताкиллик даврида мавзуга оид яратилган асарлар, маколалар ва диссертацияларда хонлик тарихининг айрим масалалари чуқур, кенг қамровли, маҳаллий ва бошқа тоифадаги манбалар маълумотлари асосида ёритилганлиги, сифат жиҳатидан олдинги даврларда яратилган тадқиқотлардан ажралиб туриши билан эътиборга лойиқдир. Бирок, уларда ўрганилган масалалар хонликдаги савдо муносабатларининг бирор-бир жиҳати билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этилмаган. Шунингдек, бу даврда ҳам Қўқон хонлигидаги савдо муносабатлари тарихига оид махсус асар яратилмаганлигини қайд этиш лозим.

Қўқон хонлиги тарихига бағишланган катор тадқиқотлар **хорижлик муаллифлар** томонидан ҳам амалга оширилди. Хусусан, қирғиз олими С.С.Сооданбеков томонидан Қўқон хонлигининг сиёсий тарихи ва бу давлат ҳудудида яшаган этнослар ва уларга бўлган муносабат масалалари ўрганилиб, унда хонликдаги иқтисодий ҳаёт ва савдо муносабатларига деярли эътибор берилмаган. Асар бир ёқламалиги билан ажралиб туради, яъни, у рус олимлари тадқиқотлари асосида, маҳаллий муаррихларнинг асарларига эътибор қаратилмаган ҳолда яратилган<sup>1</sup>.

Қозоқ олими Т.К.Бейсембиев эса Муҳаммад Юнус Тоиб каламига мансуб “Тарихи Аликули амирлашкар” асарини Лондонда инглиз тилида факсимал нусхаси билан эълон қилди. Бирок, бу асарда ҳам Қўқон хонлиги савдоси ҳақида маълумотлар кам бўлиб, у қисман савдо соҳасига дахлдор мансаб эгалари ҳақидаги маълумотларга эғалиги билан эътиборга моликдир<sup>2</sup>.

Қўқон хонлиги тарихига доир маълумотлар инглиз, турк, корейс тилидаги хорижлик олимларнинг асарларида ҳам қисман бўлсада, ўз аксини тошган. М.Холдсворт ва Б.Манс тадқиқотларида хонликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маъмурий-бошқарув тизими хусусида фикр юритилган<sup>3</sup>. Турк тарихчиси М.Сарайнинг асарлари Қўқон хонлиги ҳукмдорлари билан турк султонлари ўртасида олиб борилган сиёсий ва дипломатик муносабатларга бағишланган<sup>4</sup>. Корейс тарихчиси Ким Хондонг тадқиқотида эса асосан Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги XIX аср ўрталаридаги сиёсий алоқалар, Ёқуббек давлати, Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги муносабат ва Россия империясининг хонликка босқинчилик юришларига бағишланган<sup>5</sup>.

Мавзу тарихшунослигининг таҳлили шуни кўрсатадики, Қўқон хонлигининг савдо муносабатлари масаласи нафақат маҳаллий, балки хориж тарихшунослигида ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Хонлик тарихига оид яратилган тадқиқотлар ва нашрларда асосий эътибор Қўқоннинг сиёсий тарихи, Россия билан муносабатлари, Қўқон тарихининг манбашунослиги, хонликнинг давлат тузилиши, бошқарувнинг хусусиятлари

<sup>1</sup> Сооданбеков С. С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек, 2000 – 144 с.

<sup>2</sup> Бейсембиев Т. К. Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809–1865 гг. / Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашт-и Кыпчака в XIII – XVIII вв. Материалы международного круглого стола. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 291–313.

<sup>3</sup> Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – 80 p.; Central Asia in historical perspective. Edited by Beatrice Mans. – Oxford: West view press, 1994. – 245 p.

<sup>4</sup> Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi – Istanbul, 1975. – 35 s, Ўша муаллиф. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabotlar (1775–1875). – Ankara, 1994. – 74 s.

<sup>5</sup> Kim Hondong. Holy War in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864–1877. – Stanford, 2004. – 295 p.

каби масалаларга қаратилган. Бирок, хонлик савдо муносабатлари тарихини ўзида акс эттирган яхлит асар яратилмаган.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Наманган давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Тадқиқотнинг асосий мақсади Қўқон хонлигидаги ички ва ташқи савдо муносабатлари, уларнинг ҳолати ва ривожига таъсир кўрсатган омилларни тарихий ва мантикий изчилликда комплекс илмий таҳлил этишдан иборат бўлиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– Қўқон хонлигидаги ички савдо ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил этиш;

– хонлик шаҳарларининг ички ва ташқи савдодаги ўрни ва давлатнинг иқтисодий ҳаётидаги мавқеини аниқлаш;

– Қўқоннинг қўшни хонликлар ва хорижий давлатлар билан ташқи савдо алоқаларининг муҳим жиҳатларини тадқиқ этиш;

– савдо инфраструктурасининг муҳим компоненти бўлган бозорлар ва карвонсаройларнинг мамлакат иқтисодий ҳаёти ва аҳолининг кундалик турмуш тарзида тутган аҳамиятини кўрсатиб бериш;

– муомалада бўлган пул бирликлари, уларнинг турли ҳукмдорлар даврида ички ҳамда ташқи савдодаги қиймат миқдорини ўрганиш;

– божхоналар фаолияти, бож тизими, турлари ва миқдорини аниқлаш ҳамда уни илмий таҳлил қилиш;

– ички ва ташқи савдо муносабатларида турли этнос, ижтимоий табақа вакиллари иштирокини ўрганиш ва уларни иқтисодий имкониятларини таққослаш;

– вақф институтининг савдо билан ўзаро алоқадорлиги, унинг жамият маънавий – маданий ривожигаги ўрнини кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг манбавий асослари.** Тадқиқот ишига оид манбаларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1. XIX асрда Ўрта Осиё муаррихлари томонидан ёзилган асарлар. 2. XVIII – XIX асрлар оралигида Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Қўқон хонлигида бўлган европалик ҳамда россиялик элчи, сайёҳ, савдогар. олим ва бошқа шахсларнинг хотиралари, расмий хабарлари ва тарихий асарлари. 3. Архив ҳужжатлари. 4. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларига оид бўлган газета ва тўпламлар.

**Биринчи гуруҳ манбаларига** Муҳаммад Ҳақимхоннинг “Мунтахаб ут-таворих”<sup>1</sup>, Мулла Ниёз Муҳаммаднинг “Тарихи Шохруҳий”<sup>2</sup>, Мирзо Олим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин”<sup>3</sup>, Абу Убайдулло-нинг “Хулосат ул-ахвол”<sup>4</sup>, Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд”<sup>5</sup>, “Тарихи Алиқули амирлашкар”<sup>6</sup>, Аваз Муҳаммад

<sup>1</sup> Муҳаммад Ҳақимхон. Мунтахаб ут-таворих. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмадар фонди (Бундан кейин – ЎзР ФА ШИ қўлёзма), инв. – №594

<sup>2</sup> Мулла Ниёз Муҳаммад. Тарихи Шохруҳий. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №4463.

<sup>3</sup> Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин / Нашрга тайёрловчилар А.Матғозиев, М.Усмонова. – Т., 1995. – Б. 128; Ўша муаллиф. Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавокин. Введение Ш.Вахидова, перевод текста, примечания, указатели и послесловия С.Юлдашева / История Узбекистана в арабографических источниках. Том I. – Т., 2007. – 254 с.

<sup>4</sup> Абу Убайдулло. Хулосат ул-ахвол. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №2084.

<sup>5</sup> Муҳаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №11072.

<sup>6</sup> Муҳаммад Юнус Тойиб. Тарихи Алимқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. – Т., 1996. – № 1. – Б. 214–223; Ўша муаллиф. Тарихи Алимқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. – Т., 1996. – №2. – Б. 208–223.

Атторнинг “Тарихи жаҳоннамои”<sup>1</sup>. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий”<sup>2</sup>, Исҳоқхон Ибротнинг “Тарихи Фарғона”<sup>3</sup>; Мулла Олим Махдумнинг “Тарихи Туркистон”<sup>4</sup>, Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг “Хуллас ут-таворих”<sup>5</sup>. Муҳаммад Фозилбекнинг “Мукаммал тарихи Фарғона”<sup>6</sup> каби асарларини киритиш мумкин. Уларда, асосан Қўқон хонлигининг XVIII – XIX асрлардаги тарихи, жумладан, турли ҳукмдорлар юритган ички ва ташқи сиёсат масалалари умумий тарзда ўз ифодасини топган. Шу билан бирга бу асарларда узук-юлук, қисқа сатрларда бўлсада, хонликнинг ички ва ташқи савдо муносабатлари, бож ва пул тизими тўғрисида айрим маълумотлар мавжуд.

Тадқиқотнинг **иккинчи гуруҳ** манбалари таркибига Ф.Ефремов, Мир Иззат Улла, Ф.Назаров, Е.К.Мейендорф, хорунжий Потанин, казак Максимов, П.И.Демезон, И.В.Виткевич, П.Савельев, А.Борнс, Н.Хаников, В.В.Вельяминов-Зернов, Н.Северцовлар ва бошқаларнинг асарлари ҳамда эсдаликларини киритиш мумкин<sup>7</sup>. Уларда XVIII – XIX асрларда хонликдаги сиёсий жараёнлар билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, бозор, қарвонсарой ва қарвон йўллари фаолияти, бож ва пул тизими, бозор назорати билан шугулланувчи мансабдорлар фаолиятига оид муҳим маълумотлар ўз аксини топган.

**Учинчи гуруҳ манбаларини** архив ҳужжатлари ташкил этади. Булар – Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА)нинг И.1-фонд – Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси, И.17-фонд – Сирдарё вилояти бошқармаси, И.19-фонд – Фарғона вилояти бошқармаси, И.23-фонд – Фарғона вилояти Скоблев уезди бошлиги бошқармаси, И.36-фонд – Тошкент шаҳар бошлиги бошқармаси, И.121-фонд – Тошкент шаҳар закот ишлари бошқармаси, И.126-фонд – Бухоро Кушбегиси архиви, И.276-фонд – Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг канцелярияси, И.323-фонд – Шарқ ҳужжатлари тўплами, И.336-фонд – Туркистон ҳарбий губернаторининг канцелярияси, И.469-фонд – Тошкент шаҳар ярмаркаси ва қарвонсаройи

<sup>1</sup> Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои / Форс-тожик тилидан Ш.Воҳидов таржимаси // Шарқ юлдузи. – Т., 1991. – № 8. – Б. 119–137.

<sup>2</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – 112 б; ЎзР ФА ШИ кўлэзма, инв. – №11108.

<sup>3</sup> Исҳоқхон Тура Иброт. Тарихи Фарғона / Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. – Т., 1991. – Б. 268–327; ЎзР ФА ШИ кўлэзма, инв. – №11616.

<sup>4</sup> Мулло Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: Насаф, 1992. – 148 б; Ўша муаллиф. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изохлар Ш.Воҳидовники, араб ёзувидан таъдир Ш.Воҳидов ва Р.Холиқованики, кўрсаткичлар Ш.Воҳидов ва Д.Сангированики. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 242 б.

<sup>5</sup> Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Қўқон шаҳар Ф.Ғулум номидаги вилоят адабиёт музейи. – ҚП.4101.

<sup>6</sup> Муҳаммад Фозилбек. Мукаммал тарихи Фарғона ЎзР ФА ШИ кўлэзма, инв. – №5971.

<sup>7</sup> Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии в возвращение его оттуда через Англию в Россию. – Казань, 1811. – 160 с.; Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. Пер. и примеч. Ю.А.Соколова // Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. Вып. LVXXVIII. Кн. II. 1956. – С. 41–52; Назаров В. Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – 98 с.; Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – 180 с.; Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830) // ИРГО. Том V. Часть XVIII. – СПб., 1856. – 254–289 с.; Показание Сибирского казака Максимова о Коканском владении // Вестник ИРГО. Книжка III. – СПб., 1860. – С. 65–75; Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича). – М.: Наука, 1983. – 149 с.; Савельев П. Бухара в 1835 году. – СПб., 1836. – 26 с.; Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагоря и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию. В 3-томах. – М., 1848–1849. – 628 с.; Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 26 с.; Показание сибирских казаковъ Милошина и Батарышкина, бывшихъ в плену у коканцевъ съ 1849-го по 1852-й годъ // Туркестанский сборник. Том 384. 1883. – С. 21–31; Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известие о Коканском ханстве, от Мухаммад-Али до Худоярхана. – СПб., 1856. – С. 329–370; Ўша муаллиф. Сведения о Коканском ханстве // Вестник ИРГО. Кн. V. Часть XVIII. – СПб., 1856. – С. 107–152; Ўша муаллиф. Торговое значение Коканского ханства для русских // ИРГО. – СПб., 1854. – 87 с.; Северцов Н. Месяц плену у коканцев. – СПб., 1860 // Туркестанский сборник. Том 373. 1883. – С. 55–86.

ташкилий кўмитаси. И.715-фонд – Туркистон ўлкасини забт этилиши тарихига оид материаллар тўплами, И.1043-фонд – Кўкон хонлари девонхонаси архиви ва шунингдек, Кўкон ўлкашунослик музейи фонди материалларидан иборатдир.

**Тўртинчи гуруҳ манбалари XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида нашр этилган газета ва тўпламлардан ташкил топган.** Улар Кўкон хонлигининг ички савдо муносабатлари ва ташки савдонинг асосий йўналишлари, пул ва бож тизими, этносларнинг савдодаги иштироки, бозорлардаги маҳаллий ва хорижий мамлакат молларининг тури ва нархи тўғрисидаги XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларига оид маълумотларни ўзида жамлаган “Туркестанский сборник”<sup>1</sup> тўплами ва “Туркестанские ведомости”<sup>2</sup> газеталаридир.

**Тадқиқотнинг объекти.** XVIII – XIX аср тўртинчи чорагидаги Кўкон хонлигининг ички ва ташки савдо муносабатлари тадқиқот объектини ташкил этади.

**Диссертациянинг назарий ва услубий асослари.** Мавзуни ёритиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан илгари сурилган Ватан тарихини манбалар асосида ҳаққоний ўрганиш, ҳолислик ва тарихийлик тамойилларига асосий эътибор қаратишга оид гоёлари назарий асос вазифасини бажарди. Тадқиқот жараёнида муаммони янги тарихий тафаккурнинг концептуал нуқтаи-назаридан идрок этишга, тарихий воқеалар характерини уларнинг реал мазмуни асосида, ҳозирги замон тарих фани талаблари контекстида очиб беришга асосий эътибор қаратилди.

Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий, танқидий, мантиқий ва хронологик, семантик ва прагматик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Диссертант, шунингдек, Ҳ.З.Зиёев, Ҳ.Н.Бобобеков, Ш.Ҳ.Воҳидов, Г.А.Агзамоваларнинг ишларида баён қилинган Кўкон хонлиги тарихига оид назарий хулосаларга таянди.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

– биринчидан, XVIII аср бошларига келиб Аштархонийлар давлатида кузатилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт таназули оқибатида унинг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланган Фарғона водийсида янги мустақил давлатга асос солинди. XVIII аср иккинчи ярмидан XIX аср ўрталарига қадар хонликнинг Ўрта Осиёда етакчи мавқеига эришиши, марказлашган давлат салохиятининг кучайиши натижасида турли соҳалар каби даромадли ҳисобланган савдо муносабатларига Кўкон ҳукмдорларининг эътибори кучайди;

– иккинчидан, хонликда савдо муносабатларининг тараққий этиб бориши натижасида иқтисодий алоқалар олиб бориладиган ҳудудлар сони ортиб борган. Бухоро ва Хива хонликларидан ташқари, Россия, козок даштлари, Хитой, Қашқар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, араб мамлакат-

<sup>1</sup> Бухара // Туркестанский сборник. Том 30 – СПб., 1870 – С. 111–121; Индийский чай в Ташкенте // Туркестанский сборник. Том 27. – СПб., 1870 – С. 151–153; Коканское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Т. 23. – СПб., 1870 – С. 25–70; Коканъ // Туркестанский сборник. Т. 30. 1870. – С. 130–145; Обмен Коканского серебра // Туркестанский сборник. Том 72. – СПб., 1873 – С. 266–277; О торговых путях между Восточным Туркестаном и Индией // Туркестанский сборник. Том 26 – СПб., 1870 – С. 84 – 90.

<sup>2</sup> Туркестанские ведомости. 1870. – №1; 1871. – №21, 29, 31, 37; 1872. – № 47; 1874. – № 16, 33, 36; 1875. – №16, 29, 47; 1876. – № 13, 30, 35; 1882. – № 45, 48; 1888. – №39; 1892. – №36; 1894. – №65.

лари. Усмонлилар давлати ва бошқа ҳудудлар билан бевосита ёки билвосита савдо алоқалари ривожланди. Шунингдек, хонлик қўшни мамлакатларнинг савдо алоқаларида транзит ҳудуд вазифасини бажарган;

– учинчидан, Қўкон хонлиги аҳолиси таркибий жиҳатдан кўп миллатли бўлиб, ички ва ташқи савдо алоқаларида маҳаллий ўзбек, тожик, киргиз, козок, қорақалпоқ халқлари билан бир қаторда ташқи иқтисодий муносабатларнинг тараққиёти ва турли сабаблар билан хонликка келиб қолган уйғур, яҳудий, хинд, афғон, форс, рус, татар ва бошқа этнос вакиллари маълум иштирок этганлар. Хонликда хорижий савдогарлар учун яратилган муайян имконият, бой ва харидоргир бозор уларнинг хонликда савдо қилиши ва яшаб қолиши учун замин яратган;

– тўртинчидан, хонлик маълум бир муддат давомида ўз пулига эга бўлмаган. Давлат тараққиёти пул ислоҳотлари ўтказилишига олиб келган. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юқсалиш ички ва ташқи савдо фаолиятини назорат қилувчи давлат амалдорларига кўплаб имтиёзлар берилишига, хонликнинг ички ва чегара ҳудудларида фаолият кўрсатаётган божхоналар сони кўпайиши ва фаолияти яхшиланишига сабаб бўлган;

– бешинчидан, савдо нафақат иқтисодий, балки маданий ҳаёт тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Савдо инфратузилмасининг муҳим компонентлари бўлган бозорлар, қарвонсаройларга эгалик қилган олий ҳукмдорлар, йирик амалдорлар ҳамда турли ижтимоий гуруҳларга мансуб мулкдорлар уларни муайян муассасалар фойдасига вақф қилганлар. Шу тариқа хонликда шаклланган вақф институти бошқа хонликлардаги каби маданий ҳаёт ривожига, хусусан, мактаб, мадрасалар, хонақоҳ ва масжидлар тизимининг моддий таъминоти, фаолияти яхшиланишига таъсир кўрсатган;

– олтинчидан, Ўрта Осиё хонликлари ўртасида тинимсиз бўлиб турган ўзаро урушлар савдо муносабатларининг тараққиётига салбий таъсир кўрсатган. XIX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Ўрта Осиё бозорини эгаллаш учун инглиз – рус рақобатининг юзага келиши натижасида хонлик савдо алоқаларида жиддий ўзгаришлар юзага келган. Савдо соҳасидаги ташқи ҳамкорлар, савдо молларининг ассортименти, савдо марказларининг роли ўзгарган.

**Диссертациянинг илмий янгилиги.** Диссертацияда илк бор Қўкон хонлигининг ички ва ташқи савдо муносабатлари комплекс тарзда, манбаларга асосланган ҳолда тадқиқ этилди ва қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

– хонликнинг катта ва кичик шаҳарлари, уларнинг ички, ташқи савдодаги ўрни ҳамда аҳамияти илк бор комплекс таҳлил этилди;

– савдо муносабатлари ҳамда унинг ўзига хос қонуни қоидалари, ундаги ўзгаришлар, Бухоро ва Хива хонликларидаги ҳолатларга солиштирилган ҳолда, фарқли ва ўхшаш томонлари илмий жиҳатдан кўрсатиб берилди;

– хонлик иқтисодий ҳаётида ташқи савдонинг ўрни, импорт ва экспорт маҳсулот турлари, ички ва ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги аниқланди;

– ички ва ташқи савдода турли этнослар ва тоифаларнинг иштироки, уларнинг иқтисодий имкониятлари ўрганилиб, ўзига хос жиҳатлари қайд этилди;

– савдо инфратузилмасининг муҳим компонентлари – бозорлар, карвонсаройлар, божхоналар фаолияти ўзаро алоқадорликда илмий таҳлил этилди;

– пул тизими, бу соҳада ўтказилган ислохотлар, танга пулларнинг ички ва ташқи савдодаги қиймати аниқланди;

– ички ва ташқи савдо фаолиятини назорат қилувчи давлат амалдорларининг тайинланиш тартиби, уларга юклатилган вазифалар кўрсатиб берилди;

– савдо соҳасидаги солиқ ва бож турлари, улардан келадиган тушумнинг ҳажми илк маротаба ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилди;

– вақф институтининг савдо муносабатлари билан ўзаро алоқадорликда маданий-маънавий ҳаёт тараккиётида тутган ўрни очиқ берилди;

– қўпгина манбалар маълумотлари ва архив ҳужжатлари илк бора муомалага киритилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Қўқон хонлиги ва унинг савдо муносабатларини илмий жиҳатдан ўрганиш Ватан тарихи фанининг янги факт ва далиллар билан янада тўлдиради. Шунингдек, тадқиқот натижасида олинган хулосалардан Ўзбекистон ва Ўрта Осиё хонликлари давлатчилиги тарихи бўйича дарсликлар, адабиётлар, қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртлири тарих факультетлари бакалаврлари ва магистрлари учун махсус курслар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мазкур тадқиқот натижалари Наманган давлат университети Тарих факультети 5220200 – Тарих бакалаврият, 5А5220201 – Ватан тарихи магистратура таълим йўналишларида “Ўзбекистон халқлари тарихи”, “Қўқон тарихи”, “Ўзбекистонда халқаро муносабатлар тарихи” ва “Ўзбекистонда ер-сув ва савдо муносабатлари тарихи” фанларини ўқитиш жараёнига татбиқ этилган.

**Ишнинг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тезис ва материалларида, тўплам, илмий журналларда эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган. Тадқиқот Наманган давлат университети факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедрасида бажарилган. Иш Наманган давлат университети факультетлараро Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи ва Ватан тарихи кафедраларининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган. Диссертация шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган К.067.02.12. рақамли Ихтисослашган Кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама этилиб, химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация юзасидан жами 11 та нашр мавжуд. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 7 та илмий мақола, 4 илмий-амалий конференциялар материалларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 188 бетни ташкил этади.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадкикотнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, даврий чегараси, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, манбавий асослари, илмий янгилиги, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳелатлар, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, шунингдек, таркибий тузилиши ва ҳажми тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қўқон хонлигида ички савдо ва унинг асосий хусусиятлари”** деб номланган. Мазкур боб XVIII аср бошларидан то XIX аср 70-йилларига қадар Ўрта Осиёнинг йирик давлатларидан бўлган Қўқон хонлиги иктисодий марказларининг савдо муносабатлари тараққиётидаги ўрни, мамлакатнинг ички савдоси ва унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

Хонлик ташкил топган XVIII аср бошларида Андижон, Марғилон, Ўш, Хўжанд Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари ҳисобланган. Мамлакат сиёсий жиҳатдан тараққий этиб бориши натижасида бу шаҳарларнинг иктисодий марказлар сифатидаги салоҳияти ошиб борган. Улар билан бир қаторда янги шаҳарлар пайдо бўлган, авваллари у қадар муҳим аҳамият касб этмаган кичик шаҳарлар йирик иктисодий марказларга айланган. Хусусан, пойтахт Қўқон шаҳри XVIII асрнинг биринчи ярмида шаклланиб, аста-секинлик билан Ўрта Осиёнинг йирик иктисодий марказларидан бирига айланган.

XIX аср бошларида хонликда сиёсий ва иктисодий юксалиш даври бошланган. Натижада, мамлакат шаҳарларининг мавқеи кўтарилиши билан бир қаторда, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам каби йирик сиёсий ва иктисодий марказлар хонликка қўшиб олинди. Шунингдек, чегара ҳудудларида Окмасжид, Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота ва бошқа қалъаларга асос солинди.

Бу марказлар Қўқон хонлигида амалга оширилган ички савдо тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Улардаги савдонинг асосини маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган турли маҳсулотлар ташкил этган.

Ички бозорда харидоргир маҳсулотлардан бирини тўқимачилар томонидан тайёрланган турли ип, ипак, ярим ипак, жун матолар ташкил этган. Хусусан, маҳаллий ва қўшни ҳудудларда яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзини кечирган аҳоли орасида бўз (карбас), олача, чигта талаб катта бўлган. Бу маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва улар билан савдо, айниқса, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида кенг ривожланган эди. Хусусан, Тошкентда “кўк бўз” ва “оддий бўз” турлари кўп тўқилган ва маҳаллий аҳоли билан бир қаторда қўшни ҳудудларда яшовчи чорвадор аҳоли томонидан кўплаб харид қилинган<sup>1</sup>. Хусусан, Россия истилоси арафасида Тошкент бўзининг 18 аршини<sup>2</sup> 1,5 тангадан 2,5 тангагача сотилган<sup>3</sup>. Олача матосининг эса бир ятак ва бир иштон чиқадиган бўлаги учун қирғизлар бир ярим яшарлик эчки берган бўлса, шундай матонинг икки бўлагига эса етилган қўйни алмаштирганлар<sup>3</sup>. 1874 йилда Қўқонда олий

<sup>1</sup> Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 522.

<sup>2</sup> Изоҳ: аршин – узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, урғача қиймати 71,12 см.га тенг (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 1 – том. 2000. – Б. 440.).

<sup>3</sup> УЗР МДА, И. 276-фонд, 1-руйхат, 123-иш, 25-26-варақ.

<sup>3</sup> Наливкин В. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. – №49.

навли кизил читнинг бир бўлаги 26 тангадан 1.5 тиллогача, хушвакт (оч кизил рангли чит) деб номланувчи чит эса 4–5 ой муддатга қарзга 68–78 тангага сотилган<sup>1</sup>.

Хонликда етиштирилган ипак ва ундан тўқилган турли матолар нафақат ички, балки ташки бозорда ҳам муҳим ўринга эга бўлган. Шу боис уни етиштириш ва ипак газламалар тўқишга алоҳида эътибор қаратилган. XIX асрнинг 60-йиллари охириларида, Қўқон ва Марғилоннинг ўзида тўққиз юзга яқин хонадон ипакчилик билан шуғулланган. Тахминий ҳисобларга қараганда, Қўқон ва Марғилонда ишлаб чиқарилган ипакнинг йиллик миқдори 5560 пудга тенг бўлган<sup>2</sup>. Ипак сифатига қараб “чилла”, “тафил”, “сарноқ” ва бошқа навларга бўлинган<sup>3</sup>. 1871 йил октябрь ойида Қўқон бозорида “чилла”нинг бир пуди<sup>4</sup> 50–52 тилло, “тафил” 50 тилло, Қўқон қалаваси 28–30 тилло, сарноқ 3,5–4,5 тиллодан сотилган<sup>4</sup>.

Ипакдан турли матолар ишлаб чиқарилган. Уларнинг орасида атласга эҳтиёж катта бўлган. Марғилонда бу газлама “атлас” ёки “жиба арқоқ” номи билан машҳур эди. Маълумотларга қўра, 1876 йил Қўқонда 276 та шойи, 428 та ип-газлама тўқиш устахонаси, 232 йигирув дастгоҳи ва йилига 3000 аршин атлас ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган кўплаб устахоналар ишлаб турган. XIX аср ўрталарида пойтахт бозорида 12 аршин атлас 7–8 рублга баҳоланган<sup>5</sup>.

Ички савдода кўнчилик маҳсулотлари алоҳида ўринга эга бўлган. Хонлик аҳолисининг кўчманчи халқлар билан иқтисодий алоқалари ривожини мамлакатда кўнчилик ва терига ишлов бериш хунарининг тараққиётига самарали таъсир кўрсатган. Қўқон, Тошкент, Андижон ва Ўш шаҳарлари кўнчилик марказлари бўлиб, бу ерларда терини қайта ишлаш ва ундан пойабзал тайёрлаш билан бирга теридан кийим-кечак, бош кийим, сув ва қимиз учун мешлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. XIX аср 60-йилларида Тошкентда теридан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан 60 та дўкон шуғулланган<sup>6</sup>.

Диссертациянинг ушбу бобида, шунингдек, металлга ва ёғочга ишлов берувчи хунармандлар, кулоллар, коғозгарлар ва бошқаларнинг маҳсулотлари турлари, уларнинг ички савдода тутган ўрни, айрим шаҳарларнинг муайян хунармандчилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ва бозорга етказиб беришга ихтисослашув жараёни кўрсатиб берилган.

Хонлик шаҳарлари савдо муносабатлари ривожига муҳим роль ўйнаган. Тошкент бозори – Хужанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон ипак матоларининг ўзаро рақобат қиладиган марказ ҳисобланган<sup>7</sup>. XIX асрнинг ўрталарида Фарғона водийсидан Қўқон орқали Тошкентга ҳар йили 10–15 минг туяда пахта, коғоз, хом ипак ва ипак матолар, қуритилган мевалар, Намангандан 500 туяда қуритилган мева, 1000 туяда ипак ва ипак матолар, рўян бўёғи ва бошқалар олиб борилган<sup>8</sup>. Фарғона водийсидан ҳар йили февраль ойдан

<sup>1</sup> Торговые заметки // Туркестанские ведомости. 1874. – №36.

<sup>2</sup> Коканъ // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 137

<sup>3</sup> Петровский Н. О. О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии. – Т., 1873. – С. 97.

<sup>4</sup> Изок. пуд – 16,3 кг. га тенг оғирлик ўлчов бирлиги (Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Т. 7 – том 2004. – Б. 196.)

<sup>5</sup> От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871 – №36

<sup>6</sup> ЎзР МДА, И 23-фонд, 1-рўйхат, 1398-иш, 1-варақ.

<sup>7</sup> Гейер М., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Т., 1903. – С. 17.

<sup>8</sup> Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 142–143.

<sup>9</sup> Тетеревииков А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 48–49



апрелгача пахта, октябрь ва ноябрь ойларида куритилган мевалар ортилган карвонлар Тошкентга келган<sup>1</sup>. XIX асрнинг ўрталарида водийдан Тошкентга 4 млн 580 минг рубллик мол олиб келинган бўлса, Тошкентдан 2 млн 375 минг рубллик мол олиб кетилган. Бу даврда Тошкент ва Қўқоннинг йиллик савдо айланмаси 7 млн рублга тенг бўлган<sup>2</sup>.

Хонликдаги ички савдода кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли томонидан тайёрланган гилам, шолча, наमतлар муҳим ўрин тутган. Шаҳарларда бу маҳсулотларнинг ўз бозори мавжуд бўлган. Жумладан, Андижонда гилам, Наманганда эса коракалпок ва кирғизларнинг кигиз бозори машҳур бўлган.

Ички савдода деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотлари катта ўрин эгаллаган. Уларнинг нархи об-ҳавога, хосилга ва сиёсий вазиятга қараб ўзгариб турган. Хусусан, Қўқон бозорида XIX аср 40-йилларида (хосил яхши бўлган бўлса) буғдойнинг пуди 1 руб., гуруч 1 руб. 30 коп., жўхори 64–65 коп. (хосил яхши бўлмаса), буғдой 1 руб. 30 коп., гуруч 2 руб. 15 коп.дан сотилган<sup>3</sup> бўлса, XIX аср ўрталарида Қўқонда бир ботмон<sup>4</sup> узум 1 тилло, қуритилган ўрик 1 тилло, ёнғокнинг 2 ботмони 3 тиллога баҳоланган<sup>4</sup>.

Хонлик ички савдо муносабатларида чорвачилик маҳсулотлари алоҳида ўринга эга бўлган. XIX аср 60-йиллари ўрталарида Қўқон бозорида арғумок отлар 20–80 тилло, юк ташувчи оддий отлар 15 тиллогача сотилган. Хўкизлар ерларни шудгор қилишда ва гўшти учун боқилган бўлиб, уларнинг нархи кимматроқ 4–6 тилло, сигир ўртача 2,5 тилло, бир ўрқачли туя 8–12 тилло, икки ўрқачли туя 5–6 тилло, эшак ва хачир 17–20 тангадан сотилган<sup>5</sup>.

Ички бозорда кимматбаҳо металллар, маъданлар билан ҳам савдо амалга оширилган. Хусусан, Наманган бозорига Косонсойдан олтин келтирилган. Олатов тоғларидан ва Кетмонтпепа кўрғонидан, Андижон яқинидаги Лаълхона мавзесидан эса кумуш ва кўрғошин қазиб олиниб, хонлик бозорларига олиб келинган<sup>6</sup>.

Қўқон ҳукмдорлари хонлик ташкил топган даврдан XVIII асрнинг 70-йилларига қадар мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолиш, давлатни мустаҳкамлаш ва ўзаро урушларнинг олдини олиш билан машғул бўлган. Шу боис, ички савдо муносабатларидаги олди-сотди жараёни қўшни хонликлар пуллари, асосан Бухоро тангалари ва мол айирбошлаш орқали амалга оширилган. Норбўтабий (1762–1798) Қўқон тахтига ўтирганидан сўнг пул ислохотини амалга оширди. Маълумотларга кўра, Норбўтабий мис (фулс) чакалар зарб эттирган ва бу мис чакалар халқ орасида “қора пул” деб аталган<sup>7</sup>. Норбўтабийдан сўнг хонлик тахтига чиққан ҳар бир хон ўз номидан янги пул зарб эттирган ва эскисини йиғиштириб олган. Бу тадбирлар ички савдонинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатган.

Диссертацияда ички бозор ва унинг асосий хусусиятлари, савдо-сотик амалга оширилган моллар ва улар таркибида юз берган ўзгаришлар

<sup>1</sup> ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 16-руйҳат, 876-иш, 12-варақнинг орқа томони ва 13-варақлар.

<sup>2</sup> Максамов А. Роль города Коканда в развитии экономических связей Средней Азии... — С. 48.

<sup>3</sup> Обзорение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки РГО. Кн. III. — СПб., 1849. — С. 186.

<sup>4</sup> Изох: ботмон — оғирлик ўлчов бирлиги. XIX асрда Фарғона водийсида 1 ботмон 8–10 пудга ёки 131,044 — 163,805 кг тенг бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси — Т. 2 — том. 2001. — Б. 171.)

<sup>5</sup> Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... — С. 129.

<sup>6</sup> Коканское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Том 23. — СПб., 1870. — С. 47.

<sup>7</sup> Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Кокандского ханства для русских... — С. 30.

<sup>8</sup> Махмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Қўқон шаҳар Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи. — ҚП.4101.

7а - варақ

динамикаси батафсил ёритилган ҳамда уларнинг мамлакат иктисодий ҳаётидаги аҳамияти тавсифлаб берилган.

Шундай қилиб, Қўқон, Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Хўжанд ва Ўш каби шаҳарлар хонликнинг асосий иктисодий марказлари ҳисобланган. Уларда Бухоро ва Хива хонликларидаги каби кўп тармоқли хунармандчилик кенг ривожланган бўлиб, маҳаллий хунармандлар томонидан яратилган турли маҳсулотлар аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Хунармандчилик маҳсулотлари, кишлоқ ерларидан келтирилган деҳқончилик, полиз маҳсулотлари ҳамда қўчманчи, ярим қўчманчи аҳоли томонидан келтирилган чорвачилик маҳсулотлари билан савдо мамлакат ички савдосининг асосини ташкил этган. Аста-секин давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бориши натижасида хонликда ўзига хос урбанизацион жараёнлар кечган. Қўқон хонлигининг ўз пулига эга бўлиши эса савдо муносабатларининг ривожиди муҳим омил вазифасини ўтаган.

Тадқиқотнинг **“Ташқи савдо алоқалари ва уларда юз берган ўзгаришлар”** деб номланувчи иккинчи боби Қўқон хонлигининг ташқи савдоси, унинг асосий йўналишлари, импорт ва экспорт маҳсулотлари ассортименти ва улар таркибида юз берган ўзгаришлар, хонликнинг савдо алоқаларида турли халқлар ва этник гуруҳларнинг иштироки масалаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиб бориши, мамлакатнинг тараққий этиши натижасида XIX аср бошларидан ташқи савдо йўналишлари кенгайиб, Бухоро ва Хива хонликлари катори Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Россия, қозоқ даштлари, Қашқар, Хитой, Туркия ва араб мамлакатлари билан олиб борилган анъанавий бевосита ва билвосита савдо алоқалари ривожланиб борган.

Хонликнинг ташқи савдо алоқаларида муҳим ўринга эга мамлакатлардан бири Ҳиндистон эди. Бу мамлакатга Қўқондан асосан хом ипак, ипак ва ярим ипак матолар, қурилган мевалар, рўян, эчки момғи жўнатилган. XIX асрнинг 60-йиллари ўрталарида хонликдан йилига Бухоро хонлиги, Афғонистон ва Ҳиндистонга 200 минг рублик мол чиқарилган. Улар орасида 8000 пуд ипак ҳам бўлган<sup>1</sup>.

Ҳиндистондан Қўқон хонлигига атторлик буюмлари, доривор гиёҳлар, “муслин” деб номланувчи юпка мато, Банорас кимхоби, Кашмир рўмоллари, ҳинд парчалари, ип-газламалар, чопон, белбоғ, диний характердаги китоблар, индиго (нил), мурч, зираворлар, шакар, гуруч, шинни, кимматбаҳо тош, чой ва инглиз моллари – сурп, саллалик ва кийимлик дока, чит, қурол-яроғ ва бошқа буюмлар келтирилган<sup>2</sup>. Бу мамлакатдан келадиган молларнинг катта қисмини чой ташкил этган. Хонликка Ҳиндистондан Кобул орқали 1872 йил январдан 1874 йил декабрғача бўлган 25 ой ичида 559720 фунт<sup>3</sup> миқдорда чой келтирилган<sup>3</sup>. Шу муддатда Ҳиндистондан келтирилган ҳар бир коп чой ўртача 50 тиллога баҳоланиб, бир кода 4 пуд чой бўлган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-руйхат, 876-иш, 23-варақ

<sup>2</sup> ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-руйхат, 876-иш, 23-варақ

<sup>3</sup> Изох. фунт - оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, XIX асрда 1/40 пудга, 400,12 грамма тенг бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 9 – том. 2005. – Б. 340).

<sup>4</sup> ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-руйхат, 984-иш, 34-варақ ва орқаси.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-руйхат, 984-иш, 37-варақ.

Кўкон хонлиги Афғонистон билан ҳам фаол савдо алоқаларини ўрнатган. Хонликнинг Афғонистонга экспорт қилувчи асосий маҳсулоти ипак ҳисобланган. Ҳиндистонда бўлган европалик сайёҳлар маълумотларига кўра, XIX асрнинг 50-йилларида Ҳиротдан Шикорпурга олий навли “Кўкон ипаги” олиб келинган бўлиб, Кобулда ҳам энг сифатли ипак “Кўкон ипаги” номи билан таниқли бўлган<sup>1</sup>.

Афғонистондан Кўкон хонлигига Бухоро орқали афғон қиличи, ханжари, тўн ва саллалари, гиламлар, доривор гиёҳлар, қўй, тулки мўйналари, жун газлама, бузгундж бўёғи, Бухоро қорақўлидан фарқ қилувчи қорақўл териси ва хинд, инглиз, форс моллари келтирилган<sup>2</sup>.

Хонлик араб мамлакатлари ва Туркия шаҳарлари билан муайян савдо алоқалари олиб борган. Бу жараёнда ҳар йили Макка ва Мадина зиёратига отланган ҳожилар ҳам муҳим роль ўйнаганлар. Тошкент божхонаси маълумотларига кўра, 1871 йил июнь ойида Кўкондан Тошкент орқали Макка ва Мадинага 400 дона ипак рўмол<sup>3</sup>, 1872 йил май-август ойларида эса Маккага 23 минг 545 руб. 50 коп. лик мол жўнатилган<sup>4</sup>.

Машхур Марғилон ипак газламалари, рўмоллар, кўрпа ва хонликнинг бошқа маҳсулотлари Туркия бозорларида ҳам ўз харидорига эга бўлган. Хусусан, Тошкент божхонаси маълумотларига кўра, 1871 йил апрель ойида андижонлик савдогарлар Бобоназар Сўфи Чиннибеков ва Ҳожи Ҳабибулло Мулла Ҳайдарбековлар Кўкон хонлигидан Россия шаҳарлари орқали Истамбулга 24 рубллик 40 дона ипак рўмол, 40 рубллик 600 парча чит, 40 рубллик 8 фунт хом ипак, жами: 104 рубллик. кўконлик савдогар Мулла Абдумажид Нодир Мухамедов 138 рубллик 180 дона ипак рўмол, 90 рубллик 180 дона оддий рўмол, 30 рубллик 10 жуфт бекасам, 40 рубллик 10 жуфт канаус, жами: 308 рубллик, кўконлик савдогар Мулла Неъматулла Мулла Абдурахмонов 138 рубллик 180 дона ипак рўмол, 140 рубллик 280 дона оддий рўмол, 42 рубллик ипак матолар, жами: 320 рубллик мол олиб кетганлар<sup>5</sup>.

Диссертацияда турли манбалар маълумотлари асосида хонликнинг Бухоро ва Хива хонликлари билан савдо алоқалари масаласи ҳам илмий таҳлилга тортилган. Манбалар маълумотларининг кўрсатишича, Кўконнинг ташки савдосида Бухоро хонлиги асосий ўринда турган. Унинг бозорларига хонликда тайёрланган хом ипак, ипак газлама ва ярим ипак матолар, калава ип, хўл ва қурук мевалар, рус темири ва чўяни ҳамда пўлатидан ясалган буюмлар, Қашкар ипаги ва ипак матолари, Хитой моллари – чой, чинни буюмлар, атторлик моллари ва ипак матолар олиб борилган<sup>6</sup>. Кўкон хонлигига қараши Туркистон ва Авлиёота шаҳарларидан Бухоро бозорларига ҳар йили қатта миқдорда чорва ҳам ҳайдаб борилган. Бухоролик савдогарлар Туркистондан ҳар йили 50–100 минг атрофида чорва олиб кетган<sup>7</sup>. Шунингдек, Бухоро ва Фарғона водийсига 1864 йилнинг 1 майдан 4 июнига қадар Авлиёота орқали 150 мингдан ортиқ қўй ҳайдаб кетилган<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Бабаходжаев М. А. Русско-афганские торговые-экономические отношения в второй половине XVIII – начале XX в. – Т., 1965. – С. 13, 131.

<sup>2</sup> Торговые сношения с Афганистаном // Туркестанские ведомости. 1888 – №39

<sup>3</sup> ЎзР МДА, И. 469-фонд, 1-руйхат, 60-иш, 37-варақ

<sup>4</sup> ЎзР МДА, И. 469-фонд, 1-руйхат, 189-иш, 37-варақнинг орқаси.

<sup>5</sup> ЎзР МДА, И. 469-фонд, 1-руйхат, 58-иш, 9, 56-варақ ва орқаси, 57-варақ

<sup>6</sup> Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 131.

<sup>7</sup> Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 28.

<sup>8</sup> ЎзР МДА, И. 1-фонд, 27-руйхат, 714-иш, 8-варақ.

Бухоролик савдогарлар учун ҳам Қўкон бозорлари жуда даромадли ҳисобланган ва йил давомида хонлик бозорларида уларни учратиш мумкин эди. XIX асрнинг 70-йиллари бошидаги маълумотларга кўра, Қўкон Закоғсаройига энг кўп даромад Бухоро хонлигидан келган савдо карвонларидан тушган<sup>1</sup>. XIX асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида йилига Бухородан Қўкон хонлигига 7500 туяда мол келтирилган<sup>2</sup>.

Қўкон хонлиги юқори даражада бўлмасда, Хива хонлиги билан ҳам муайян савдо алоқаларини олиб борган. Хива билан савдо алоқалари асосан. Бухоро хонлиги бозорлари ва бу давлат худудидан ўтган карвон йўллари орқали амалга оширилган. XIX аср бошларида Қўкон хонлиги худудларининг кенгайиб бориши натижасида козоқ даштлари орқали икки хонлик чегаралари тутшиб кетган ва тўғридан-тўғри савдо алоқаларини олиб бориш имконияти пайдо бўлган. Жумладан, икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларида Хива чегарасидан 45 км узоқликда жойлашган Қўконга тегишли Оқмасжид қалъаси муҳим аҳамият касб этган. Бундан ташқари, Қўкон – Хива савдо алоқалари Қўкон хонлигига қарашли Янгиқўрғон, Чимқўрғон ва Қўшқўрғон қалъалари орқали ҳам олиб борилган<sup>3</sup>.

Хива хонлигида Қўкон ипаги ва ипак газламаларига талаб катта бўлган. Хусусан, Хива бозорларида Қўкон шойиси юқори баҳоланган<sup>4</sup>. Машҳур Қўкон қоғози Ўрта Осиёнинг турли худудлари каби, Хива хонлигига ҳам олиб борилган<sup>5</sup>.

Қўкон хонлигига Хивадан оз миқдорда чопон, бўз, пўстин, от, туя, хўкиз терилари, ярим ипак мато, гилам, арғумок отлар ва Машҳад орқали келтирилган инглиз чити олиб келинган<sup>6</sup>. XIX асрнинг 60-йилларида Наманган бозорларида Бухоро саллалари ва қўй терисдан тайёрланган Хива теллақларига талаб катта бўлган ва улар юқори нархларда сотилган<sup>7</sup>.

Тадқиқотнинг ушбу бобида, шунингдек, савдонинг этно-интеграцион жараёнларга кўрсатган таъсири масаласи ҳам ўрганилган.

Қўкон хонлиги ҳам аҳолиси кўп миллатли давлат ҳисобланиб, унинг худудида ўзбек, тожик, қирғиз, уйғур, козоқ ва бошқа кўплаб халқлар истикомат қилган. Аҳолининг катта қисми ҳисобланган ўзбекларнинг асосий машғулоти шаҳарларда хунармандчилик ҳамда савдо-сотик, шаҳар атрофлари, қишлоқларда деҳқончилик ва боғдорчилик ҳисобланган. Хонлик худудида яшовчи тожиклар ўзбеклар каби хунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик ва савдо иши билан шуғулланганлар.

Хонлик аҳолисининг катта қисмини қирғизлар ташкил қилган. Савдогарлар томонидан қирғиз овулларига келтирилган маҳсулотлар мол айирбошлаш йўли билан қирғиз чорваси ва чорва маҳсулотларига алмаштирилган. Бу савдода қўй асосий мол айирбошлаш воситаси вазифасини бажарган. Хусусан, Наманганда тайёрланадиган “тимпаи” – “қора каска” номи билан аталувчи йўл-йўл газлама қирғизлар орасида машҳур бўлган ва унинг икки

<sup>1</sup> Энгельгардъ Н. Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Том 458 – СПб., 1908. – С. 47.

<sup>2</sup> Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 532

<sup>3</sup> Қосимов Й. Қўкон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент – Наманган, 1994. – Б. 28.

<sup>4</sup> Сагдуллаев А., Мавлонов У., Аминов Б., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти 1-қисм. – Т., 2000. – Б. 246.

<sup>5</sup> Ҳабибуллаев Н. Н. Коканд – центр производства писчей бумаги // Поздне-феодалный город Средней Азии. – Т., 1990. – С. 163.

<sup>6</sup> Записки о Бухарском ханстве... – С. 81.

<sup>7</sup> Михайлов М. Наманган // Туркестанский сборник. Том 16. – СПб., 1867. – С. 73.

бўлаги Наманганда 16 тангага (3 руб. 20 коп.) баҳоланган бўлса, киргизлар унга 5 та кўй берган<sup>1</sup>.

Маноплар (киргиз уруғ бошликлари) кўконлик савдогарлар ва киргизлар ўртасидаги савдо муносабатларида муҳим роль ўйнаганлар. Кўкон савдогарлари ва чорвадор киргизлар муносабатларида воситачилик қилган маноплар бу савдодан манфаатдор эдилар. Хусусан, хонлик шаҳарлари ва савдо марказларидан келтирилган асл молларнинг муайян қисмини савдогарлар уларга арзон нархда берганлар ёки “тортик” қилганлар<sup>2</sup>.

Чимкент, Туркистон, Сайрам, Авлиёота, Окмасжид ва уларнинг атрофларида яшовчи козок овулларида кўконлик савдогарлар томонидан бўз, чопон, турли хил оёқ кийимлари, кўрпа, куритилган мевалар, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа хунармандчилик маҳсулотлари олиб келинган. Қозоқлар ўзларига яқин бўлган шаҳарлар бозорларига эса чорва ва чорвачилик маҳсулотларини олиб борганлар. Уларнинг катта қисмини кўй ташкил қилган. Маълумотларга қараганда, козок даштларидан йилига 300 минг кўй Тошкентга келтирилган ва унинг 200 минги Кўкон ва Бухорога олиб кетилган<sup>3</sup>.

Россия шаҳарларига борувчи узок карвон йўлларида кўконлик савдогарлар козок туялари ва қисман отларидан фойдаланганлар. Қозоқлар уларни савдогарларга ижарага бериш билан бир қаторда ўзлари ҳам юк элтувчи ва йўл бошловчи сифатида карвонга ёлланганлар. Уларнинг орасида Туркистон, Авлиёота ва асосан, Чимкент атрофларида яшовчи козокларнинг “Бештамғали” уруги вакиллари машҳур ҳисобланган<sup>4</sup>.

Хонлик ҳудудига турли мамлакатлардан савдо, бошпана ва таълим олиш мақсадида кўплаб этнослар вакиллари ҳам келиб жойлашган. Шунингдек, хонликда мусулмон бўлмаган савдогарлар учун ҳам муайян эркин савдо қилиш имкониятлари яратилганлиги, унинг ҳудудига турли дин ва миллат вакили бўлган савдогарлар келишини кучайтирган. Хусусан, Россия истилосига қадар хонлиқнинг йирик шаҳарларида тижорат мақсадида келган ва яшаб қолган ҳиндлар кўп бўлган. Улар шаҳарларда ўзига хос “ҳинд колониялари”ни ташкил қилган<sup>5</sup>. Кўкондаги карвонсаройларнинг бири, Маргилондаги 8 та карвонсаройнинг 2 таси, Хўжанддаги 5 та карвонсаройнинг ва Ўратепадаги 3 та карвонсаройнинг 1 таси ҳиндларга тегишли бўлган<sup>6</sup>. Асосий машғулоти ипакни бўяш ва улгуржисига сотиш ҳисобланган яҳудийлар ҳам хонликда қўним топганлар<sup>7</sup>.

Кўкон хонлигининг ташки савдо алоқалари тахлили шуни кўрсатадики, XIX аср бошларидан Кўкон хонлигининг марказлашуви ва иктисодиётининг юксалиши ташки савдо алоқаларининг ривожланиши, хусусан, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Россия, козок даштлари, Қашқар, Хитой, Туркия ва араб мамлакатлари билан олиб борилган анъанавий бевосита ва билвосита савдо алоқаларининг таракқиётига олиб келган. Тадқиқот қамраб олган даврий чегарада хонлиқнинг Бухоро ва Хива давлатлари билан алоқалари ҳам

<sup>1</sup> Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции.... – С. 210.

<sup>2</sup> Веников М. Очерки Занлыскаго края и Причуйской страны // Туркестанский сборник. Сост. Н.В.Дмитровский. – Т., 1871. – С. 425.

<sup>3</sup> Тетереников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – С. 51

<sup>4</sup> Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 82.

<sup>5</sup> Энгельгардт Н. Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Том 458. – СПб., 1908. – С. 46.

<sup>6</sup> Костенко Л. Туркестанский край. Том I. 1880. – С. 448, 451.

<sup>7</sup> ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 11-руйхат, 7-иш, 64-варақнинг орқаси.

муайян даражада давом эттирилган. Бу мамлакатларнинг худудан чегарадошлиги, бир-бири билан боғланиб кетган ўтмиши, анъаналари улар ўртасидаги иктисодий алоқаларнинг ривожланишига замин яратган. Хонликдаги ташқи савдо муносабатлари хонлик ва унинг ташқарисида яшаган, хўжалиги турлича характерга эга бўлган халқларнинг этно-маданий алоқалари ривож, худуддаги интеграцион жараёнларга ижобий таъсир кўрсатган.

Диссертациянинг учинчи боби “Савдо инфраструктураси, унинг ички ва ташқи савдода тутган ўрни” деб номланган. Мазкур бобда Қўкон хонлигида мавжуд бўлган бозор, карвонсарой ва бошқа савдо иншоотлари фаолияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мамлакат божхоналари, савдо солиқларининг турли даврлардаги ҳажми ва улардан давлат хазинасининг даромади ҳамда хонликда вақф институти фаолиятининг яхшилинишида савдонинг тутган ўрни ёритилган.

Хонликда савдо инфраструктурасининг муҳим компонентларидан бири бўлган бозорлар кўп эди. Уларнинг орасида пойтахт Қўкон бозори яққол ажралиб турган. 1813–1814 йилларда хонликда бўлган Ф.Назаровнинг ёзишича, Қўкон марказида учта тошдан қурилган бозор бўлган<sup>1</sup> бўлса, 1830 йилда Қўконда бўлган хорунжий Потанин, хонлик пойтахтида 6 та бозор бор деб кўрсатган<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё шаҳарларига хос тарзда Қўконнинг асосий бозори шаҳарнинг марказида, турли кўчалар туташган ерда жойлашган ва “Катта бозор” номи билан танилган. Хонлик тугатилиши арафасида Қўкон шаҳри бозорларида 1911 савдо дўкони бўлган ва уларнинг 599 таси олий ҳукмдорга карашли. 1312 таси хусусий дўконлар ҳисобланган<sup>3</sup>. Хонликнинг бошқа шаҳарлари каби пойтахтнинг асосий бозори маҳсулот турларига қараб алоҳида савдо расталарига ёки кичик бозорларга бўлинган.

XVIII–XIX асрларда Тошкентдаги Себзор, Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтохур даҳаларининг ўз бозорлари бўлиб, энг йирик бозор шаҳар марказида, тўрт даҳа кўчалари кесишган ерда жойлашган ва Жўба (ёки Жўва) бозори деб аталган. Жўба бозорида (ҳозирги Чорсу) XIX аср бошларида асосий расталар ва карвонсаройлардаги дўконлар қўшиб ҳисобланганда 3000 дан ортик дўкон мавжуд бўлган. XIX асрнинг 60-йилларида бозор бўйига 400 саржин, энига 100 саржинга эга худудда жойлашган бўлиб, унда 16 карвонсарой, 2400 дўкон жойлашган. Шаҳар бўйича дўконлар сони 4548 тага етган<sup>4</sup>.

Наманган ўзининг хунармандчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари бозори ҳамда тоғли қирғизлар билан олиб борилган савдодаги ўрни билан хонликда муҳим аҳамиятга эга бўлган. XIX асрнинг 60-йилларида шаҳарда Худоёрхон 500 дўкондан иборат йирик бозор қурдирган. Хар бир дўкон йилга 5 тиллодан 10 тиллогача хон хазинасига даромад келтирган<sup>5</sup>.

Марғилон ташқи савдода катта даромад келтирадиган ипак ва ярим ипак матолари билан савдо қилинадиган бозори билан машхур бўлган. Худоёрхоннинг сўнги ҳукмронлик даврида (1865–1875) Марғилон бозорларида 2246 та

<sup>1</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М., 1968. – С. 76.

<sup>2</sup> Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина... – С. 281.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, И. 276-фонд, 1-руйхат, 123-иш, 25-26-варақ.

<sup>4</sup> Тетеревинов А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 39

<sup>5</sup> ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-руйхат, 122-иш, 9-варақ ва орқаси.

дўкон бўлган<sup>1</sup>. Хонликда ўзининг бозорлари билан машхур бўлган марказлардан бири Андижон эди. Бу ерда Бухоро, Хужанд, Қўқондан келган савдогарларни қўплаб учратиш мумкин эди<sup>2</sup>. Шаҳар марказида жойлашган бозорда XIX асрнинг 70-йилларида унда 1000 дан ортик дўкон мавжуд бўлган<sup>3</sup>.

Хонликда шаклланган савдо инфрструктурасининг муҳим қисмларидан бири қарвонсаройлар ҳисобланган. Улар турли ҳудудлардан келган савдогарларнинг яшаши, савдо қилиши, юк ва уловларини сақлаши учун махсус қурилган иншоотлар эди.

Қарвонсаройларнинг қатта қисми хонлик пойтахти Қўқонда жойлашган бўлиб, XIX аср ўрталарида уларнинг сони 9 та<sup>4</sup>, XIX аср 70-йилларида эса қатта ва бир нечта кичик қарвонсаройларни қўшиб ҳисоблаганда, 15 та бўлган<sup>5</sup>.

Тошкент ҳам қарвонсаройлари билан ҳам машхур эди. 1852 йил баҳорида Тошкентда бўлган рус савдогари С.Я.Ключаров, шаҳарда 15 та қарвонсарой борлигини кўрсатган<sup>6</sup> бўлса, А.Н.Тетеревников XIX асрнинг 60-йилларида 16 та қарвонсарой борлигини қайд этган<sup>7</sup>.

Йирик иқтисодий марказлардан бири бўлган Наманган марказидаги қатта бозорда Беги, Дебгиз ва Мавлави номли 3 та қарвонсарой фаолият кўрсатган<sup>8</sup>. Марғилонда эса 8 та қарвонсарой<sup>9</sup>, Хужандда эса 5 та қарвонсарой бўлган<sup>10</sup>.

Диссертациянинг ушбу бобида божхона ишлари ва савдо солиқларининг асосий жиҳатлари масалалари ҳам илмий таҳлилга жалб этилган.

Савдо муносабатлари ривожида бож ва солиқлар муҳим аҳамият касб этган. Қўқон ҳукмдорлари ҳам савдо божларидан тушадиган даромадни инobatта олиб, солиқ тизимини тартибга солиш ва уни ўз назорати остида сақлаб туришга ҳаракат қилганлар.

Хонлик чегара ҳудудларида қўплаб божхоналар ташкил этилган. Россиядан келаётган қарвонни Туркистон божхонасида Тошкент ҳоқими томонидан қўйилган закотчи 5–6 та ёрдамчиси билан кутиб олган<sup>11</sup>. Шаҳарнинг ўзида эса унга кириб келаётган қарвонларни назорат қилиш учун 3 та закотчи бўлиб, бирининг божхонаси Қоплонбекда, иккинчисиники Чирчик дарёси бўйида, учинчисиники эса Чинозда жойлашган эди<sup>12</sup>.

Бухоро ва Хива хонлиги орқали Қўқон хонлигига йўл олган афғонистонлик, эронлик, ҳиндистонлик ва бошқа ҳудудлар савдогарлари Хужанд божхонасида бож тўлаганлар.

Қўқон хонлигининг ташқи савдо алоқаларида Ўш божхонаси ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бу ерда Қашқар, Хитой, Шимолий Ҳиндистон ва тоғли бекликлардан келган савдо қарвонларидан бож олинган. Бундан ташқари, Ўш

<sup>1</sup> Саид Магомед Худояр-хан Коканский // Туркестанский сборник. Том 89 – С. 332 – 334.

<sup>2</sup> Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией – С. 299.

<sup>3</sup> Кун А. Л. Очерк Кокандского ханства // Известия РГО. Том XII. – СПб., 1876. – С. 64.

<sup>4</sup> Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известия о Коканском ханстве... – С. 111.

<sup>5</sup> Коканское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Том 23. – СПб., 1870. – С. 34

<sup>6</sup> Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известия о Коканском ханстве... – С. 37

<sup>7</sup> Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 39

<sup>8</sup> Михайлов М. Наманган // Туркестанский сборник. Том XVI. 1867. – С. 69

<sup>9</sup> От Маргилана до Оша // Туркестанские ведомости. 1882. – №45.

<sup>10</sup> Турсунов Н. О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана в XVIII – начале XX вв. – Душанбе, 1991. – С. 91.

<sup>11</sup> Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 127

<sup>12</sup> Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 294, 487.

вилоятида Ойтал, Суфи Кўрғон, Окбура-Орал каби божхона постлари ҳам мавжуд бўлган. Андижонда битта закотчи ва иккита мирзаси бўлган асосий божхонадан ташкари вилоятнинг Чангиртош, Ясси, Шилбелли, Кўгарт, Қарамас каби тоғ доvonларида, асосан тоғли бекликлар ва кирғиз карвонлари келадиган йўللarda ҳам божхона постлари бўлган<sup>1</sup>.

Кўкон шаҳри божхонасида битта бош закотчи ва йигирма бир сокчидан иборат махсус гуруҳ бўлиб, сокчиларнинг ўн еттитаси шаҳар дарвозалари олдида фаолият кўрсатган ва пойтахтга келган карвонлар ҳақида закотсаройга хабар бериб турган<sup>2</sup>.

XIX асрнинг 40-йилларида хонлик хазинасига бир йилда савдо солиқлари ва божларидан Кўкон ва унинг атрофлари 100000 тилло, Тошкент 60000 тилло, Хўжанд 25000 тилло, Наманган 50000 тилло, Ўратепа 20000 тилло, Андижон 25000 тилло, Маргилон 10000 тилло даромад келтирган. Хонлик хазинасига бир йилда савдо божларидан тушган даромад умумий ҳисобда 282000 тиллони ташкил этган эди<sup>3</sup>.

Диссертацияда савдо инфрасруктурасининг вақф институти ривожидан тугган ўрни, улар ўртасидаги алоқаларнинг характерли хусусиятлари масаласи ҳам батафсил таҳлил этилган.

Хонлик вужудга келиши арафасида ва ташкил топганидан сўнг дастлабки йилларида вақф тизими амалда назоратсиз қолган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кўкон хонлиги мавкеининг сиёсий, ҳудудий, ҳарбий жиҳатдан мустақамланиб бориш жараёни бошланган. Оқибатда, XIX асрнинг бошларида хонлик Ўрта Осиёнинг йирик давлатларидан бирига айланган. Иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши натижасида вақф мулкларига эътибор кучайган ва у жиддий назорат остига олинган. Бунда ҳукмрон сулола вакиллари, ҳар хил тоифадаги амалдорлар, рухонийлар, савдогарлар ва аҳолининг турли ижтимоий қатламлари вакиллари фаол иштирок этганлар. Улар ўзлариға тегишли мулк – савдо иншоотлари бўлган бозор, карвонсарой, дўкон, ҳаммомларни мадраса, масжид, корихона, хонакоҳ, зиёратгоҳ, макбара, кабрстонларға вақф этиш орқали иқтисодий ҳаётни маданий-маънавий ҳаёт билан боғлаганлар. Жумладан, давлатнинг қудратли ҳукмдорларидан бўлган Умархон (1810–1822) Кўконда кўзи ожизлар учун махсус “Раҳмати-Шоҳи” (Амми-хона) номили ётоқхона қурдирган ва унга иккита карвонсаройни вақф этган. Улардан бири ётоқхонаға йилиға 3000 руб., иккинчиси 2000 руб. миқдорида даромад келтирган<sup>4</sup>.

Хонликда вақф, хусусан, савдо вақфларининг катта қисми мадрасаларға ажратилган. Кўкондаги Муҳаммадалихон мадрасасиға (1829 йил қурилган) пойтахтнинг Жўхори бозоридан олинадиган тарози пуллари ва Кўкон марказий бозоридаги карвонсаройлардан бири вақф сифатида ажратилган. Шунингдек, мадрасаға 41 та дўкон ҳам вақф қилинган. Мадрасаға вақф этилган бу мулклардан йилиға 900 рублгача даромад олган<sup>5</sup>.

Тошкентдаги Бекларбеги мадрасасиға XIX асрнинг 50–60-йилларида унга вақф этилган Зако்தхона, Маҳрамбоши ва Хиштин карвонсаройларидан йилиға 500 тилло, шаҳар марказий бозоридаги юз дўкондан 30 тилло, жами: 542 тилло даромад келган. Тошкент ҳокими Лашкар девонбеги (XIX асрнинг

<sup>1</sup> ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 14-руйҳат, 242-иш, 11-варақнинг орқаси, 12-варақ

<sup>2</sup> ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 14-руйҳат, 242-иш, 12-варақ ва орқаси, 13-варақ ва орқаси

<sup>3</sup> Описание Коканского ханства... – С. 214–215.

<sup>4</sup> Журнал “Шуро”, 1909. – №13. – С. 406–407.

<sup>5</sup> ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 14-руйҳат, 522-иш, 2, 6-варақ



20-йиллари ҳамда шу асрнинг 40-йилларида ҳокимлик қилган) шаҳар Регистонида қурдирган қарвонсаройини ҳам ушбу мадрасага вақф этган эди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, ички ва ташқи савдо хонлиқда муайян инфратузилма-нинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бу тузилманинг муҳим қисмлари – бозорлар, қарвонсаройлар, божхоналар қўламини кенгайтириб берган. XIX аср бошларига келганда мамлакатнинг марказлашуви натижасида божхона хизматида ҳам ўзгаришлар юз берган. Хонлик иқтисодиётининг юксалиши натижасида ҳукмдорлар, ҳокимлар ва йирик мулкдорлар ўзларига қаршилик савдо иншоотлари даромадларини қисман ёки тўлалигича хонлиқдаги мадраса, масжид, хонақоҳ, қорихона, қабристонлар фойдасига вақф этганлар. Бу эса, жамият сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётининг ўзвий алоқадорлиқда ривожланишига олиб келган.

### III. ХУЛОСА

1709–1876 йилларда Ўрта Осиё сиёсий воқеалигида муҳим ўрин тутган, ўзбек давлатчилиги анъаналарини давом эттирган давлатлардан бири бўлган Қўқон хонлигидаги савдо муносабатларини ўрганиш жараёнида таҳлил этилган маҳаллий тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, XIX – XX асрлар тадқиқотчиларининг асарларида келтирилган маълумотлар қуйидаги **хулосаларни** илгари суриш имконини беради:

1. Қўқон хонлигида савдо муносабатлари таракқиётини тўртта босқичга ажратиш мумкин. Бу босқичларда амалга оширилган савдо алоқалари ўз хусусиятларига қўра, бир-биридан тубдан фарқ қилади. **Биринчи босқич** (1709 йилдан XVIII аср ўрталаригача)да янги асос солинган Қўқон хонлиги ички урушларни тугатиш ва ташқи душманларни бартараф этиш учун кураш олиб борган. Натижада, савдо муносабатлари издан чиқиб, олди-сотди муносабатлари тартибсиз равишда олиб борилган. Бож тизими мамлакат ҳукмдорлари назоратидан чиқиб кетган. **Иккинчи босқич** (XVIII асрнинг иккинчи ярми) хонлик юксалиши даврининг бошланиши бўлиб, мамлакат иқтисодиётида аста-секинлик билан ижобий ўзгаришлар юз берган. Ички ва ташқи савдога эътибор кучайиб, қўллаб савдо иншоотлари қурилган. Эътиборли томони, бу даврда хонлик ўз пулига эга бўлган. **Учинчи босқич** (XIX асрнинг биринчи ярми) хонлиқнинг ривожланган даври бўлиб, бу даврда мамлакат ҳудуди кенгайтириб, иқтисодий марказлар – Тошкент, Туркистон ва Чимкент шаҳарлари қўшиб олинган. Илк бор олтин ва қумуш пуллар зарб қилиниб, хонлиқда Ўрта Осиёнинг энг яхши бозорлари шаклланди. **Тўртинчи босқич** (XIX асрнинг 50–70-йиллари) – Қўқон хонлигининг таназулга учраган даври ҳисобланиб, сиёсий парокандалик ўз навбатида иқтисодий ҳаётни ҳам издан чиқарган. Россия империяси томонидан хонлиқнинг бир қисмини босиб олинishi натижасида ҳукмдорлар ҳазинасига тушадиغان даромад миқдори кескин қаммайиб кетган. Бу эса, солиқлар миқдори ва сонининг кескин қўпайишига олиб келган. Шунингдек, хонлиқнинг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларига Россия империясининг қаршилик қилиши натижасида ташқи савдо алоқаларига жиддий зарар етган.

2. Савдо муносабатлари Қўқон хонлигида яшаган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Хонлиқда савдонинг ривожланиши мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсиши, маҳаллий маҳсулот турларининг қўпайиши ва рақобатбардош қилиб ишлаб чиқарилишига олиб келган. Шунингдек, у иқтисодий марказлар сони

<sup>1</sup> Султонов У. А. Мухаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошқанд» асари – Т., 2007. – Б. 149.

кўпайишига, бозор инфратузилмаси – янги бозор, карвонсарой, карвон йўллари қурилишига, бож ва пул тизимини ислоҳ қилинишига сабаб бўлган.

3. Қўқон хонлиги чет мамлакатлар билан ташқи савдо алоқаларини бевосита ёки билвосита амалга оширган. Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Туркия билан савдо алоқаларининг асосий қисми Бухоро хонлиги орқали олиб борилган. Шунингдек, турли сабабларга кўра, Ҳиндистон билан савдо алоқалари қисман Қашқар орқали, Туркия ва араб мамлакатлари билан савдо алоқалари эса Россия орқали амалга оширилган. Ўз навбатида Қўқон хонлиги Бухоро ва Хива хонликлари, Афғонистон, Эрон каби давлатларни Қашқар, Хитой, қозок даштлари ва Россия билан савдосида транзит ҳудуд вазифасини ҳам бажарган.

4. Савдо муносабатлари хонликда кечган этно-маданий жараёнлар таракқиётига самарали таъсир кўрсатган. Ички ва ташқи савдо алоқаларида маҳаллий халқ вакиллари билан бир қаторда, тижорат мақсадида ва бошқа турли сабабларга кўра хонликка келиб қолган ҳинд, афгон, яҳудий, уйғур, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этганлар. Бу халқлар вакиллари вакиллари баъзилари хонликда савдо ишлари юзасидан вақтинча яшаб қолган бўлса, баъзилари бу ўлкани бутунлай ўзларига ватан тутганлар. Савдо муносабатлари ўз навбатида турли халқлар ва этник гуруҳларнинг интеграциялашувиغا самарали таъсир кўрсатган.

5. Хонликда савдо билан боғлиқ бож ва солиқлар ислом дини аҳкомлари бўйича белгиланган ва ундирилган. Мамлакат бошқарув тизимида савдо солиқлари ва божларини ундириш билан боғлиқ махсус лавозимлар мавжуд бўлган. Божхона ва бож ишларини хонликдаги назорати билан марказий бошқарув тизимида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган – меҳтар, бозор ва карвонсаройлар фаолияти назорати билан раис, бозор расталари назорати билан оксоқоллар шугулланганлар.

6. Бухоро ва Хивада бўлгани каби Қўқон хонлигида ҳам давлат ҳукмдорлари, амалдорлар, мулкдорлар, рухонийлар, йирик савдогарлар ва бошқалар ўзларига тегишли мулк, хусусан, савдо иншоотлари – бозор, карвонсарой ва савдо дўконлари даромадини моддий таъминотга муҳтож соҳалар – мадраса, масжид, хонақоҳ, қорихоналарга вақф этганлар. Натижада, вақф мулклари фаолияти бир мунча яхшиланган. Шунингдек, асосан вақфлар эвазига фаолият юритувчи мадрасалар фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берган. Бу эса маданий-маънавий ҳаёт ривожига муҳим роль ўйнаган.

7. XVIII аср охирига қадар Қўқон хонлиги бозорларида асосан Бухоро хонлиги тангалари муомаллада бўлган бўлса, Норбўтабий давридан бошлаб, мамлакат ўз пулига – мис тангаларига эга бўлган. Норбўтабийдан сўнг тахтга чиққан Қўқон ҳукмдорлари орасида эски пуллارни йиғиштириб олиб ва ўз номидан янги танга-пуллар зарб эттириш анъанага айланган. Натижада, Олимхон мис ва қумуш, Умархон, Муҳаммадалихон ва Худоёрхон мис, қумуш ва олтин тангалар зарб эттирганлар. Улар зарб эттирган тангалар вазни ва қиймати турли хил бўлган. Шунингдек, Қўқон тангалари билан бир қаторда Ўрта Осиё бозорларида Бухоро, Хива, Россия, Қашқар пуллари муомаллада бўлган.

8. XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигининг Туркистон, Чимкент, Тошкент, Хўжанд ва бошқа марказлари Россия империясига таркибига киритилиши натижасида мамлакатнинг иқтисодий аҳволи оғирлашган ва савдо солиқларидан тушадиган даромад ҳам кескин камайган. Мамлакат сиёсий ҳаёти каби, савдо муносабатларига ҳам Россия империяси ўз таъйинини ўтказга бошлаган. Шунингдек, қўлаб Шарқ мамлакатлари ва

баъзи Европа мамлакатларининг Қўқон хонлиги билан савдо алоқалари ўрнатишга бўлган интилишларига қарамасдан, икки минтақа ўртасида савдо алоқалари олиб бориладиган тўғридан-тўғри савдо йўлларининг мавжуд эмаслиги, хавфсизликнинг таъминланмаганлиги ва Россия давлатининг ўз манфаатлари йўлида Ўрта Осиё – Европа иктисодий алоқаларига сунъий тўсиқлар қўйиши оқибатида Қўқон хонлиги ташқи савдо муносабатлари таназзули тезлашган.

Қўқон хонлигининг савдо муносабатларини ўрганиш жараёнида аниқлашиб, келгуси тадқиқотларда инобатга олиниши лозим бўлган қуйидаги муаммоларни ўрганиш таклиф қилинади:

1. Қўқон хонлигининг, нафақат Шарқ, балки Европа давлатлари билан иктисодий алоқалари тарихини ва йўналишларини ўрганиш;

2. Хонликнинг хорижий мамлакатлар билан иктисодий алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари, ижобий ва салбий оқибатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигида кечган ички савдо ва унинг этнослараро муносабатлардаги ўрни // “К.Шониёзов ўқишлари”: Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Наманган, 2007. – Б. 152 – 155.

2. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигида савдо солиқлари тарихидан // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 49 – 51.

3. Мадраҳимов З. Ш. Наманганнинг Қўқон хонлиги савдо алоқаларида тутган ўрни // Мозийдан садо. – Тошкент, 2008. – №2. – Б.28 – 30.

4. Мадраҳимов З. Ш. Муҳим савдо алоқалари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – №2. – Б.115 – 117.

5. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлиги ва Ҳиндистон савдо алоқалари тарихидан // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2008. – №2. – Б.130 – 134.

6. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигининг савдо алоқаларида Тошкент шаҳрининг тутган ўрни // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2008. – №3. – Б. 205 – 209.

7. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлиги божхоналари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008. – №3. – Б.98 – 100.

8. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигида қарвон йўллари // Таълим ва Тафаккур. – Наманган, 2008. – №5. – Б. 24 – 25.

9. Мадраҳимов З. Ш. Наманган – Қўқон хонлигининг иктисодий марказларидан бири // “Тарих тилга кирганда...”. Илмий тўплам. – Наманган, 2008. – №2. – Б.19 – 25.

10. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлиги божхоналари ва уларнинг фаолияти // “Муस्ताқиллик даврида тарих фани ва маънавият”. Илмий тўплам. – Наманган, 2009. – Б. 37 – 43.

11. Мадраҳимов З. Ш. Қўқон хонлигида вақф ишлари тарихидан // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Самарқанд, 2009. – №1. – Б. 55 – 58.

**Тарих фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Мадрахимов  
Зоҳид Шарофовичнинг 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ихтисослиги  
бўйича “Қўқон хонлигида савдо муносабатлари” мавзусидаги  
диссертациясининг  
РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** Ўрта Осиё, савдо жамиятлари, бўз, “чилла”, калава, ипакчилик, савдогар, бозор, карвонсарой, иқтисодий марказ, транзит марказ, кошениль, чой, “жозок бозори”, повинда, маноп, вақф институти, божхона, бож, паром, меҳтар, раис, оксокол, даллол, судхўрлик, аршин, бўлак, пуд, сажен.

**Тадқиқот объекти:** XVIII аср бошларидан XIX аср тўртинчи чорагига қадар, яъни Россия империяси истилосигача бўлган даврий чегара оралигида Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо муносабатлари ташкил этади.

**Ишнинг мақсади:** XVIII аср бошлари XIX аср 70-йилларида Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо муносабатларини бирламчи манбалар асосида ёритиб бериш.

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқотни амалга оширишда тарихийлик, ҳолислик, даврий изчиллик, қиёсий, танқидий, мантқий ва хронологик, семантик ва прагматик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** диссертацияда XVIII аср бошларидан XIX аср 70-йилларига қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Қўқон хонлигининг ички ва ташқи савдо алоқалари илк бор атрофлича чуқур тадқиқ этилди. Хонликнинг иқтисодий марказлари ҳисобланган катта ва кичик шаҳарлар, уларнинг ички, ташқи савдодаги ўрни ҳамда аҳамияти, савдо муносабатларининг ўзига хос қонун қоидалари, ундаги ўзгаришлар таҳлил этилди. Мамлакат иқтисодий ҳаётида ташқи савдонинг ўрни, импорт ва экспорт маҳсулот турлари, таркиби, бу маҳсулотларга бўлган талаб ва тақлиф, ички бозорларда хорижий маҳсулотларнинг, хориж бозорларида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Савдо инфраструктурасининг муҳим компонентлари – бозорлар, карвонсаройлар, савдо дўконлари, ички ва чегара ҳудудларидаги божхоналар фаолияти, бож турлари, таркиби, ундан келадиган тушумнинг ҳажми, уларнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, савдо ва вақф институти илк маротаба узвий алоқадорликда ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомаллага киритилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижалари ва илмий ҳулосалари Ўзбекистон тарихининг XVIII – XIX асрлардаги ички ва ташқи савдо алоқаларини мукамал тарзда ёритишга хизмат қилади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг асосий натижалари ва ғоялари диссертант томонидан чоп этилган илмий мақолаларда ҳамда илмий анжуманлардаги чиқишларида ўз аксини топган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** тадқиқот натижалари ижтимоий фанларнинг барча соҳаси тадқиқотчилари, шунингдек Ўзбекистон тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун назарий қўлланма ва ахборот манбаи бўлиши мумкин.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Мадрахимова Зохида Шарофовича на тему: “Торговые отношения в Кокандском ханстве” на соискание учёной степени кандидата исторических наук по специальности 07.00.01-История Узбекистана.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, торговые общества, бяз, «чилла», калява, шёлководство, торговец, рынок, каравансарай, экономический центр, транзитный центр, индиго, кошениль, чай, “казахский рынок”, повинда, манап, вакфный институт, таможня, пошлина, паром, мехтар, раис, аксакал, диллер, ростовщичество, аршин, кусок, пуд, сажень.

**Объект исследования:** внешние и внутренние торговые отношения Кокандского ханства в начале XVIII века до периода военных экспансий Российской империи.

**Цель исследования:** раскрыть на основе первичных источников внутренние и внешние торговые отношения Кокандского ханства в период начала XVIII века и 70-годы XIX века.

**Методы исследования:** при осуществлении исследования были использованы методы историзма, сравнительного, критического, логического, хронологического и прагматического анализа.

**Полученные результаты и их новизна:** в диссертации впервые в комплексном виде изучены внутренняя и внешняя торговля Кокандского ханства в период с XVIII века по 70-е годы XIX века. Пронализированы место и роль во внутренней и внешней торговле больших и малых городов, явившихся экономическими центрами ханства. Определена роль внешней торговли в экономической жизни ханства, выявлены ассортимент импортного и экспортного товаров, потребность в этих товарах, конкурентоспособность импортных товаров во внутреннем рынке и местных товаров на зарубежных рынках. Впервые изучены и введены в научный обиход деятельность основных компонентов торговой инфраструктуры – базаров, каравансараяв, торговых лавок, внутренних и приграничных таможенных служб ханства. представлены виды пошлин, таможенных сборов, получаемая с них прибыль, их роль в экономической жизни государства, а также, взаимосвязь торговли и вакфного института.

**Практическая значимость:** результаты исследований и научные выводы служат для углубленного освещения внешних и внутренних экономических связей XVIII – XIX веков истории Узбекистана.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные результаты и идея исследования получили свои отражения в научных статьях диссертанта и выступлениях на научных конференциях.

**Область применения:** результаты исследования могут служить теоретическим пособием и информационным источником для исследователей всех общественных наук также для специалистов, занимающихся изучением истории Узбекистана.

## RESUME

**Thesis of Madrakhimov Zokhid Sharofovich on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in history on specialty 07.00.01 - History of Uzbekistan on the subject "Trade relations in Khokand Khanate".**

**Key words:** Central Asia, trade association, coarse calico (byoz, type of fabric), "chilla" (kind of silk), thread, silk production, merchant, market, caravanserais, economic center, transitional center, cochineal, tea, "kazakh market", povinda, manap, waqf institution, customs, customs tax, passage boat, mehtar, chair (head), aksakal, diller, creditor, arshin, piece, pood, sazhen.

**Subjects of the inquiry:** Internal and external relations of Khokand khanate at the beginning of the 18<sup>th</sup> and the fourth quarter of the 19<sup>th</sup> centuries, before Russian occupation.

**Aim of the inquiry:** To describe the internal and external relations of Khokand khanate on the basis of information of original sources from the beginning of the 18<sup>th</sup> – until 70's years of the 19<sup>th</sup> centuries.

**Methods of inquiry:** historical-retrospective, problematik-chronological and contrastive-comparative methods have been used.

**The results achieved and their novelty:** In the dissertation for the first time is complexly investigated internal and external commercial policy of Khokand khanate in the 18<sup>th</sup> – 70 years of 19<sup>th</sup> centuries. It were analyzed large and small cities, which were the economic centers of the khanate, their place and role in internal and foreign trade relations. The role of foreign trade in the economic life of the khanate, assortment of the import and export goods, requirements for these goods, competitiveness of the import goods in the domestic market and the local goods in the foreign markets were reached. For the first time, complexly researched problems of activities of the basic components in trade infrastructure - markets, a caravanserais, trade branches, and also, internal and frontier customs services of the khanate have been, kinds of taxes, the custom charges, profits, their role in economic life of the state, interrelation between trade and waqf institution, and entered new data into scientific usage.

**Practical value:** Results of the researche and scientific conclusions can be used for deepening of knowledge on history of external and internal economic relations of Uzbekistan in the 18<sup>th</sup> -19<sup>th</sup> centuries.

**Degree of embed and economic effectivity:** the main results and the concepts of investigation were reflected in the scientific articles from given dissertational performance on the scientific conferences.

**Sphere of usage:** Results of investigation can serve as the theoretical handbook and information source for researchers of all social studies, and also for the experts, engaged on study of history of Uzbekistan.

---

Босишга рухсат этилди: 11.11.2009. Ҳисоб наприёт табоғи 1,75.  
Шартли босма табоғи 1,75. Бичими  $84 \times 60 \frac{1}{16}$ . Адади 100. Бузуртма 11/11-А

ХТ «Abdulhakov A.A.» босмаҳонасида чоп этилди.  
100170, Тошкент шаҳри, Усмоновжаев кўчаси 27 уй.